*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, локайд кишилардан яхшидир.*

O`zLiDeP

2013 йил 20 июнь, пайшанба, 25 (501)-сон

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com.
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

# «ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!»

# Ислоҳотлар Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИ, БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА 19 ИЮНЬ КУНИ ЖИЗЗАХ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, улкан ютуқ ва муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бунинг тасдиғини вилоят меҳнаткашлари эришаётган салмоқли натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,7 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 9,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,9, қурилиш ишлари 11,6, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 10,7 фоизни ташкил қилди. Вилоятни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга асосан 2061 лойиҳани, шу жумладан, 2013 йилда 1381 лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Саноат соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарасида 2013 йилнинг биринчи чорагида Жиззах шаҳрида «Жиззах Тоштепа текс» тўқимачилик корхонаси, оҳак ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Жиззах тоғ-кон кимё» корхонаси, Ғаллаорол туманида қурилиш қуми ва шағал ишлаб чиқарадиган корхона, Зафаробод туманида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Фаворит линес» корхонаси, Жиззах туманидаги «Жиззах чорва барака» фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш линияси ишга туширилди.

Жиззах шаҳрида ташкил этилган «Жиззах пластекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси вилоятда енгил саноатни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга яққол мисолдир.

Давлатимиз раҳбари вилоятга сафарини мазкур корхона билан танишишдан бошлади.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу фабрика мамлакатимизда енгил саноатни изчил тараққий эттириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг яна бир амалий натижасидир, деди Ислом Каримов. Собиқ тузум даврида пахта хомашёси минг азоб ва қийинчиликлар билан етиштирилса-да, уни юртимизда қайта ишлаш масаласига эътибор берилмаган. Аксинча бошқа ўлкаларга ташиб кетилган. Мустақилликка эришганимиздан кейин пахтани ўзимизда қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратдик. Агар мустақиллигимизнинг илк йилларида пахта толасининг 10-12 фоизи мамлакатимизда қайта ишланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 30 фоиздан ошди.

Давлатимиз раҳбари енгил саноатни ривожлантириш орқали пахта толасини қайта ишлаш кўрсаткичларини мунтазам равишда кенгайтириш масаласининг аҳамиятига атрофлича тўхталди. Бу қўшимча даромад топишнинг самарали манбаи, аҳолини иш билан таъминлашдек долзарб масалани ҳал қилишнинг муҳим воситаси эканини алоҳида қайд этди.

2 ►►



**2013 — «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»ДА ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИДА 10 МИНГТА ЯНГИ УЙ-ЖОЙ БАРПО ЭТИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН. УНИНГ ЯЛПИ ҚИЙМАТИ 1 400,0 МЛРД. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.**

6с.

**O`zLiDeP** Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида

## Мустақиллик бу, энг аввало, ҳуқуқ демакдир

### O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия электорати бўлмиш тадбиркор ва ишбилармонлар, O`zLiDePнинг ҳамкор ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда давлатимиз раҳбари қарори ҳар бир фуқаронинг либерал-демократик ислоҳотлар моҳиятини янада чуқурроқ англашларига, мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун» деган олижаноб даъватнинг юртдошларимизни демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида сафарбар этгани, пировардида эса Ватанимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам асос бўлгани эътироф этилди.

— Юртбошимиз қарорида белгилаб берилган устувор йўналишлар, энг аввало, фуқаролик жамиятининг асоси бўлган сиёсий партиялардан истиқлол ғояси тарғиботини кучайтириш, энг чекка ҳудудларда ҳам «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» шиорининг туб мазмун-моҳиятини қиёсий мисоллар асосида очиб беришда фаол иштирок этишни тақозо этади, — деди йиғилишда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев. — Айниқса, она Ватанимизнинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — «ўзбек модели»нинг юртдошларимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри ва энг оқилона йўл сифатида танлаб олинганини янги авлод вакилларига, партия электоратининг ёш авлодига етказиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимизга айланиши лозим. Зеро, Ўзбекистон ниҳоятда қисқа бир даврда бугунги беқиёс натижаларга, мусаффо осмон, тинч ва осуда ҳаёт, барқарор иқтисодиёт ҳамда халқаро эътирофга ўз-ўзидан эришгани йўқ. Биз бунга, энг аввало, истиқлол берган эркинлик ҳуқуқи асосида эришдик.

3 ►►

**Партиявий** лойиҳалар

## Талабаликдан — тадбиркорликка

### ЎТАЁТГАН ҲАР БИР КУН, ҲАР БИР ДАҚИҚА БИЗНИ ВАТАНИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ ҚУТЛУҒ САНАСИГА ЯҚИНЛАШТИРМОҚДА. АСЛИДА 22 ЙИЛ КЎҲНА ТАРИХ УЧУН ЖУДА ҚИСҚА ФУРСАТ, АЛБАТТА. ЛЕКИН АНА ШУ ДАВР ОРАЛИҒИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, тараққий топган давлатлар қаторига қўшилишдек улуғ мақсад сари олдинга интилаётганимиз муваффақиятлар омили ва бош мезони бўлмоқда, десак хато қилмаймиз.

Шу ўринда ўз қадр-қимматини чуқур англаган, эркин фикрлайдиган, бетакрор миллий қадриятлар, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фан ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг яшашга, манаман, деган мамлакатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашишга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

4 ►►



## Кўп тармоқли фермер хўжаликларига кенг йўл

3 ПАРЛАМЕНТДА



## Япония «кўз ёшларга» ишонмайди

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 18 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | |
|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▲ | 2010,63 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ | 3282,40 |
| 1 Дания кронаси | ▲ | 373,58 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 569,24 |
| 1 АҚШ доллари | ▲ | 2090,70 |
| 1 Миср фунти | ▼ | 298,95 |
| 1 Исландия кронаси | ▲ | 17,38 |
| 1 Канада доллари | ▲ | 2058,18 |
| 1 Хитой юани | ▲ | 341,34 |
| 1 Малайзия ринггити | ▼ | 667,32 |
| 1 Польша злотийси | ▲ | 657,18 |
| 1 СДР | ▲ | 3187,10 |
| 1 Туркия лираси | ▲ | 1118,02 |
| 1 Швейцария франки | ▲ | 2262,91 |
| 1 ЕВРО | ▲ | 2780,18 |
| 10 Жанубий Корея вони | ▲ | 18,54 |
| 10 Япония иенаси | ▲ | 220,58 |
| 1 Россия рубли | ▲ | 65,74 |
| 1 Украина гривнаси | ▲ | 261,57 |

# Ислоҳотлар Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Мисол учун, бир долларлик пахта толаси қайта ишланиб, калава ипга айлантирилганда ярим тайёр маҳсулот бўлиб, ундан 4-5 доллар, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилганда эса 10-12 доллар фойда олиш мумкин. Яна бир аҳамиятли томони – енгил саноат ишчи кучини энг кўп талаб қиладиган тармоқлардан биридир.

Ислом Каримов мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шу жумладан, юксак сифатли пахта хомашёси етиштириладиган Жиззах вилоятида толани қайта ишлайдиган ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналарни кўпроқ ташкил қилиш, бундай корхоналарда ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган ёшларимиз бандлигини таъминлаш ғоят муҳим вазифа эканлигини таъкидлади.

> ДУНЁНИНГ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ДАВОМ ЭТАЁТГАН БИР ШАРОИТДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЯЛПИ ИЧКИ **МАХСУЛОТНИНГ ЙИЛЛИК ЎСИШ СУРЪАТИ 8,2 ФОИЗНИ** ТАШКИЛ ЭТМОҚДА. БУНДАЙ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ КУНЛАРИДАН **«ИСЛОҲОТ — ИСЛОҲОТ УЧУН ЭМАС. АВВАЛО. ИНСОН УЧУН»** ДЕГАН ҚОИДАНИ АСОС ҚИЛИБ ОЛГАНИМИЗ, ЮРТИМИЗНИНГ ЮКСАК ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ САЛОҲИЯТИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЁТГАНИМИЗ, ЎЗИМИЗ БЕЛГИЛАБ ОЛГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ — «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИ ТАДРИЖИЙ АМАЛГА ОШИРАЁТГАНИМИЗДИР.

«Жиззах пластекс» корхонасининг биринчи навбати ишга туширилиши билан йилига 12 минг тонна пахта толаси қайта ишланади, 8,5 минг тонна калава ип, 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Иккинчи босқичда – 2014 йилда корхонада ишлаб чиқарилаётган ярим тайёр маҳсулотдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу билан тўрт минг тонна трикотаж матони бўяш ва унга ишлов бериш, 6 миллион дона тайёр кийим-кечак маҳсулотлари тайёрлаш имконияти яратилади.

Корхона ишга тушгач, бу ерда 1750 нафар киши иш билан таъминланади. Бугунги кунгача вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 370 нафар ёш мутахассис билан меҳнат шартномалари тузилди.

Президентимиз корхонада мураккаб дастгоҳларни созлаш ишларини бажараётган Хушнуд Аширматов, Ҳасан Худойбердиев каби ёш мутахассислар билан суҳбат асносида бугунги кунда ўзбек ёшлари ақл-заковат, иқтидор ва қобилият, интилиш ва ташаббус бобида хорижда ҳам кўпчиликнинг ҳавасини тортаётганини қайд этди.

— Ўзбек ёшлари ўзининг зукколиги ва тиришқоқлиги билан мени ҳайратга солди, — деди давлатимиз раҳбари билан суҳбатда Германиянинг Шлафхорст компанияси менежери Оспар Илтнер. — Ёш монтажчи-созловчилар келтирилган замонавий технологияларни ўрнатишни қисқа вақт ичида ўзлаштириб олди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, ўз иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча шароитлар яратиб берилган, – деди Хушнуд Аширматов. – Мана бу замонавий корхона ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий намунасидир. Фабрикада замонавий технологияларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори энергия тежамкорлиги, экологик тозалиги ва рақобатбардошлиги таъминланади. Бундай эътиборга жавобан Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида ёниб яшаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз замонавий кўринишга эга бўлмоқда. Буни Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Термиз, Қарши, Урганч каби кўплаб шаҳарларимизнинг бугунги жамоли ва таровати мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жиззах ҳам ана шу шаҳарларимиз қаторидан ўзига лойиқ ва муносиб ўринни эгаллаши керак. Иқтисодий соҳада эришаётган улкан ютуқларимиз билан бирга маънавиятни юксалтиришга ҳам эътиборни янада кучайтиришимиз лозим. Шаҳарларни ҳар томонлама ривожлантириш, саноатнинг турли тармоқларини тараққий эттириш орқали одамларнинг ҳаёт сифатини ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан юртдошларимизнинг кайфиятини, ғурурини янада юксалтирмоғимиз даркор.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир шаҳарнинг бош режаси устида ишлашда узоқ истиқболни ўйлаб иш юритиш лозимлигини таъкидлади. Шаҳарда айланма ҳалқа йўлини барпо этиш, кўп тасмали магистраль йўлларни қуриш, коммуникацияларни ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берди.

— Пойтахтимиз Тошкент ва бошқа шаҳарларимиз тажрибасидан келиб чиқиб, Жиззах шаҳрининг маданий марказини яратишимиз лозим, — деди Ислом Каримов. — Бундай марказ, авваламбор, аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқаришига, ҳаётдан завқ олиб яшашига хизмат қилади. Шаҳарда каштан, эман, япон сафораси каби ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар экилган хиёбонлар ва яшил ҳудудларни барпо этиш ҳам муҳим вазифалардан. Бундай кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари одамларимизнинг дунёқарашини ўзгартиришда, уларнинг янги-янги марралар сари интилиб яшашида муҳим аҳамият касб этади.

Юртбошимиз Пахтакор туманидаги «Жавлонбек» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар ва вилоят фаоллари билан суҳбатлашди.

Шу кунларда Жиззах вилоятида ҳам ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Вилоятда жорий йилда 110 минг гектар суғориладиган, 70 минг гектар лалми майдонда ғалла етиштирилди, 101 минг 800 гектар майдонда ғўза парваришланмоқда. Жиззахлик фермерлар 312 минг 460 тонна дон етиштиришни режалаштиришган.

Эркин Кенжаев раҳбарлик қилаётган «Жавлонбек» фермер хўжалиги аъзолари 95,5 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштираётир.

Юртбошимиз фермер ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқот чоғида ғалла ҳосилини қисқа фурсатларда йиғиштириб олиш, июль ойининг одатдагидан иссиқ келиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ғўзани иссиқ уришдан асраш чораларини кўриш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов фермернинг мулкдор сифатида ўз оиласи, маҳалласи, қишлоғидаги ҳаёт тарзи янада фаровонлашиши, юртнинг бундан ҳам обод бўлишидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Ҳозирги давр фермерлари нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айни пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, селекционер, бизнесмен ҳам бўлиши даркор. Бошқача айтганда, бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган янги вазифаларни яхши билиши, одамларнинг, айниқса, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини янада яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, хусусан, ёшларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишда фаол бўлиши зарур, — деди Президентимиз. — Бунинг учун етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиш, жойларда кичик корхоналар ташкил этиш керак.

Мамлакатимиз раҳбари «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш юзасидан қабул қилинган фармон ва мазкур ҳужжат ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар халқимиз фаровонлигини янада оширишга қаратилганини, хорижий сармоядорлар билан амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар иқтисодиётимизни ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда янги имкониятлар яратишини қайд этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах туманидаги «Қуёшсевар Парда» фермер хўжалиги раҳбари Парда Зиётов, вилоят фермерлар кенгаши раиси Анорбой Эшматов, «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акрам Иномов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Азамат Дархонов ва бошқалар фермерлик ҳаракати ташкилий, техник ва молиявий жиҳатдан изчил такомиллашиб бораётгани, фермерларнинг даромади йилдан-йилга ортиб, бундай юксалишларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг самараси эканини таъкидладилар. Мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Ватанимиз обрў-эътиборини ҳар томонлама юксалтиришдек ишларга раҳнамолик қилаётган Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Президентимиз Ислом Каримов шу куни Сирдарё вилоятига келди.

Халқимиз эришаётган бетимсол ютуқларда Сирдарё вилояти меҳнат аҳлининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар, боғу хиёбонлар вилоят қиёфасини бутунлай ўзгартириб, аҳоли фаровонлигининг, онги ва тафаккурининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,5 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ҳам барқарор ўсиш таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиши натижасида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес субъектларининг улуши 53,5 фоизни ташкил этди. Қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, тадбиркорларга кўплаб имтиёз ва преференциялар берилаётгани самарасида жорий йилнинг биринчи чорагида 181 кичик бизнес субъекти, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 57 янги корхона ташкил этилди.

Бу йил вилоятда қарийб 90 минг гектар майдонда бошоқли дон экинлари етиштирилди.

Ислом Каримов Оқолтин туманидаги «Авазбек Умаров» фермер хўжалиги даласида бўлиб, фермерлар билан суҳбатлашди.

Ғаллачилик ва пахтачиликда муҳим бўлган кунларда деҳқонларимизга ҳорманг, дейиш, уларга куч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари. Сиз каби инсонларнинг фидойилиги билан мамлакатимиз улкан ютуқларга эришмоқда.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8,2 фоизни ташкил этмоқда. Бундай барқарор ривожланишнинг асосий омили мустақилликнинг биринчи кунларидан «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун» деган қоидани асос қилиб олганимиз, юртимизнинг юксак иқтисодий-ижтимоий салоҳиятидан оқилона фойдаланаётганимиз, ўзимиз белгилаб олган тараққиёт йўли — «ўзбек модели»ни тадрижий амалга ошираётганимиздир.

Халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтди. Мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз ташаббуси билан аҳолига томорқа учун ерлар ажратилгани, Ўзбекистон бўйича 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида берилгани қишлоқларимиздаги кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Бугун халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тамомила ўзгарган. Одамларнинг, айниқса, ёшларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади. Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ фермерлар кенгашлари ташкил этилгани соҳа самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, совет тузуми даврида хусусий мулк бўлмаган. Биз собиқ совет тузумининг асоратларидан фермерларга ер ажратиб, уларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш орқали халос бўла бошладик. Бугун фермерлар — мамлакатимизнинг устунига айланди. Устун эса таянч демакдир, деди Юртбошимиз. Лекин фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан фаровонликка эришиб бўлмайди. Фермерларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш лозим. Чунки фермерлик ҳаракати иқтисодиётимизни ривожлантиришга, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган қудратли кучдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини ва Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини яққол кўрсатди.

**О.ТЎРАҚУЛОВ,**
**А.САМАДОВ,**
**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**А.МУСТАФОҚУЛОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

**Олий** Мажлис Қонунчилик палатасида

# Давлат бюджети ижроси муҳокамаси

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2012 ВА 2013 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ


Солиҳ ЗОИР олган сурат

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»

Маълумки, Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида миллий парламентнинг роли ва ваколатларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бунда давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш устидан қатъий парламент назоратини ўрнатиш устувор вазифалардан биридир.

Шу ўринда бюджет ижросининг навбатдаги муҳокамаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилганини, яъни дастлабки муҳокама, фикр билдириш ва таклифлар ишлаб чиқиш учун сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлик гуруҳига тақдим этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

– Бугунги муҳокама давлат бюджетининг Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини бажариш йўли билан ижро этилгани ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ кутилган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришилганини кўрсатмоқда, – дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Пўлат Реймов. — Бу эса жаҳон молиявий инқирози давом этаётган бир пайтда Ўзбекистонда чуқур ўйланган солиқ ва бюджет сиёсати олиб борилаётганини яна бир бор исботлайди.

Муҳокамалар чоғида O`zLiDeP фракцияси аъзолари электорат манфаатларига тегишли йўналишларга жиддий эътибор қаратдилар. Жумладан, иқтисодий ислоҳотлар изчиллиги таъминлангани туфайли кичик бизнеснинг ривожланишини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар унинг ЯИМдаги улуши сезиларли даражада кўпайишига олиб келганини таъкидладилар. Бунда 2012 йилда ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани қайд этилди.

Натижада кичик корхоналар ва микрофирмалар даромади дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича 100 млрд. сўмга кўпайган. Бу, ўз навбатида, уларга фаолият доирасини кенгайтириш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш учун қўшимча имкониятлар берди. Хусусан, 2013 йилнинг биринчи чорагида ташкил этилган янги иш ўринларининг 156,8 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келди.

Шу ўринда O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг парламент муҳокамасигача ўтказилган йиғилишида партиянинг Сайловолди платформасидан келиб чиқиб, бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, молиявий интизомга қатъий риоя этиш, «Бюджет тизими тўғрисида», «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлар ижроси юзасидан назоратни мустаҳкамлашда давлат органлари масъулиятини янада ошириш муҳимлигига эътибор қаратганларини айтиш мумкин.

— Биз бундан кейин ҳам иқтисодий тараққиётнинг етакчи кучи бўлган кичик бизнесга асосий эътибор қаратиш, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида ушбу соҳанинг улушини ошириб бориш, айниқса, давлат буюртмаларини бажаришга хусусий тадбиркорлик субъектларини янада кенгроқ жалб этиш лозим, деб ҳисоблаймиз, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимов.

Шу ўринда ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга ўсиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7, қурилиш ишлари ҳажми 11,5, чакана савдо айланмаси эса 13,9 фоизга кўпайиши таъминлаганини таъкидлаш жоиз. Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, тайёр маҳсулотлар сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида эса экспорт ҳажми 11,6 фоиз ўсиб, ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо миқдори 1,1 млрд. доллардан ошди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уй-жой қурилиши, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришда фаол инвестиция сиёсати амалга оширилгани натижасида сармояларни ўзлаштириш ҳажми 14 фоиз кўпайди. Бошқача айтганда, ўтган йилнинг ўзида 205 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ишлари якунланди. Шу билан бирга, республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича қўшимча қиймат солиғи тушуми 2011 йилга нисбатан 17,2 фоиз ошганини қайд этиш керак. Бу эса иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизациялаш сиёсати натижасидир.

– Устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган ишлар жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам ўз натижаларини берди, – дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ғулом Омонқулов. – Рақамларга мурожаат қилсак, ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,5 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,2 фоиз, қурилиш ишлари ҳажми 13,2 фоиз ўсганини кўриш мумкин. Ана шулар ҳисобига 2013 йилнинг дастлабки чорагида бюджетнинг даромад қисми мамлакат ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз миқдоридаги профицит билан бажарилди.

Тижорат банкларининг ресурс базаларини кенгайтириш ва инвестицион фаоллигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар доирасида эса уларнинг умумий капитали жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 23,5 фоиз, умумий активлари эса 30,5 фоизга кўпайган. Аммо ана шундай натижаларга қарамай, айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланишига, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётгани, баъзи тармоқларда тўлов интизомига риоя этилмаётгани оқибатида дебиторлик ва кредиторлик, айниқса, бюджет олдидаги боқиманда қарздорлик мавжудлигини депутатлар алоҳида таъкидладилар.

Шунинг учун ҳам фракция аъзолари партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни назорат қилиш механизмини янада такомиллаштириш, қонунбузарлик ва суиистеъмолчиликнинг олдини олиш, хусусан, ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга ажратиладиган маблағларни ишлатиш самарадорлигини ошириш лозимлигини қайд этдилар.

Бундан ташқари, бюджетдан марказлаштирилган инвестицияларнинг самарали ишлатилишига, уларнинг иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, саноатда ва юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган қисмини алоҳида назоратга олиш, ҳудудларда ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллиги ва манфаатдорлигини оширишга йўналтирилган бюджетлараро муносабатлар тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш зарур, деган таклифларни илгари сурдилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли ташкилот ва идораларнинг мутасаддилари иштирок этган мажлисда билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида тегишли қарор қабул қилинди.

# Кўп тармоқли фермер хўжаликларига кенг йўл

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИДА ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КОНЦЕПЦИЯСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Депутатларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

— Жумладан, қонун лойиҳаси билан «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисмига фермер хўжалигининг устав фондини шакллантириш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган янги норма киритиш таклиф этилмоқда, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуҳолиқ Жабборов. — Бу фермер хўжалиги раҳбари томонидан хўжалик юритиш учун ер участкаси бериш бўйича танловда кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва пул маблағларини фермер хўжалигининг устав фондига киритиш лозимлигини англатади.

Тадбирда қайд этилганидек, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, шу асосда фермерлар фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини оширишни таъминлаш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда қишлоқ мулкдорлари иштирокини янада фаоллаштиришни назарда тутувчи мазкур ҳужжат асосида Солиқ кодексига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Давра суҳбатида қатнашган экспертларнинг таъкидлашича, бундай ёндашув, ўз навбатида, фермер хўжаликларининг молиявий активларини ошириш, айланма маблағлар захира базасини яратиш, гаров капиталини кўпайтириш орқали моддий-техник таъминотни мустаҳкамлаш, қолаверса, кредит ресурслари бўйича фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, мавжуд маблағларни ўз хўжалигини капиталлаштириш учун йўналтириш ҳамда иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Шунингдек, ушбу қонун лойиҳаси орқали амалдаги қонуннинг 32-моддасида белгиланган фермер хўжалигини тугатиш асослари ҳам кенгайтирилмоқда. Бу билан фермер хўжаликларининг устав фондини шакллантириш бўйича мажбуриятлар ҳам қатъий белгиланмоқда. Бундан ташқари, ҳужжатда фермер хўжаликлари томонидан товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажаришда риоя этилиши талаб қилинадиган норматив ва стандартлар рўйхати ҳам кўрсатилаяпти.

Мазкур қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига биринчи ўқишда киритиш юзасидан бўлиб ўтган муҳокамаларда депутатлар, барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, шунингдек, Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи гуруҳ ходимлари фаол иштирок этганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шариповнинг фикрича, Президентимиз фармонида белгилаб берилган барча масалалар қонун лойиҳасида кўз аксини топган. Асосий мақсади кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, фермерлар фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган ушбу қонун лойиҳасида фермер хўжаликлари устав фонди шакллантирилишининг мукаммал қоидалари, шунингдек, фаолият йўналишларини кенгайтириш, коммунал ва муҳандислик тармоқларига уланиши борасида давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг амалий ёрдам кўрсатиши, ишлаб чиқаришга томчилатиб суғориш тизимини жорий этувчи қишлоқ хўжалиги субъектларига солиқ имтиёзлари беришга оид ҳуқуқий нормалар ҳам киритилган. Бундай чоралар, шубҳасиз, мамлакатимизда фермерлик ҳаракати истиқболини янада кенгайтиришга хизмат қилади. O`zLiDeP фракцияси аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фермер хўжаликларининг жамиятдаги, ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги ўрнини янада мустаҳкамлаш йўлида улар учун қўшимча ҳуқуқий кафолат бўлиб ҳам хизмат қилади, деб ҳисоблаб, лойиҳани концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

Шу ўринда янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда, Регламент талабларига мувофиқ, хорижий тажриба қиёсий нуқтаи назардан чуқур ўрганилгани, хусусан, АҚШ, Хитой, Польша, Германия ва Исроил сингари давлатларнинг аграр мулкчилик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлари атрофлича таҳлил қилингани қонун лойиҳасини маромига етказишга хизмат қилганини айтиш мумкин.

Давра суҳбати якунида янги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар ҳам билдирилди.

**O`zLiDeP** Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида

# Мустақиллик бу, энг аввало, ҳуқуқ демакдир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O`zLiDeP фракцияси раҳбари Б.Якубов Президентимиз қарорининг мазмун-моҳиятини, аввало, ҳар бир партия аъзоси чуқур англаб етиши, қарор ижросини таъминлашда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлар барча имкониятлардан самарали фойдаланишлари лозимлигига эътибор қаратди.

— Юртбошимиз қарорида илгари сурилган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» шиори барча юртдошларимиз қатори юртимиз тинчлиги, барқарорлигидан энг кўп манфаатдор бўлган мулкдорлар томонидан жуда катта кўтаринкилик билан кутиб олинди, — деди Б.Якубов.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Қ.Назаров эса бутун дунёда эътироф этилаётган «ўзбек модели» Юртбошимиз томонидан миллий тараққиётимизнинг тарихий ва замонавий жиҳатлари, умумбашарий ва минтақавий хусусиятлари, халқимизнинг бугуни ва келажагини кўзлаб яратилган барқарор тараққиёт назарияси сифатида илгари сурилганини таъкидлади.

— Мазкур қарор, шубҳасиз, юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, мамлакатимизни энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш стратегиясининг мазмун-моҳиятини, унинг тадрижийлиги ва босқичма-босқичлиги, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асослангани, бу жараёнда халқ менталитети ва мавжуд шарт-шароитлар ҳисобга олингани, ислоҳотларнинг инсон манфаати ва ҳуқуқи, унинг жисмоний ва маънавий юксалиши, жамиятдаги барча аҳоли қатлами эҳтиёжлари ва халқ фаровонлиги ғоясига хизмат қилишининг нозик жиҳатларини янада кенгроқ очиб берган навбатдаги тарихий ҳужжат бўлди, — деди у.

Йиғилишда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Н.Алимов, А.Жўрабоев, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати раҳбари Ф.Хотамов, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари А.Алимов, «XXI asr» газетаси бош муҳаррири М.Абдураҳмонов сўзга чиқиб, энг улуғ ва энг азиз байрамга муносиб тайёргарлик кўриш, бу жараёнга барча бўғиндаги партия аъзоларини кенг жалб этиш, хусусан, партиявий лойиҳалардан, ОАВ имкониятларидан кенг фойдаланиш юзасидан ўзларининг таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

**Қарор** Ва ижро

# Парламент назоратининг изчиллиги таъминланаяпти

МАЪЛУМКИ, 2012 ЙИЛНИНГ ДЕКАБРЬ ОЙИДА O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН «2011-2015 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ЮЗАСИДАН БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ ҒУЛОМЖОН ИБРАГИМОВНИНГ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛИБ, МУҲОКАМА ЭТИЛГАН МАСАЛА ЮЗАСИДАН ТЕГИШЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЭДИ

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»

Хўш, парламент эшитувидан кейин ўтган вақт ичида соҳада қандай ижобий ишлар амалга оширилди?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси маълумотларига қараганда, мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида мутасадди идоралар томонидан аниқ режа ва қатъий мониторинг асосида кенг кўламли тадбирлар олиб борилмоқда. Буни Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти ҳисоботлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Унда қайд этилишича, комплекс таркибидаги корхоналар томонидан бугунгача 11,1 миллиард доллар миқдорида маблағ ўзлаштирилган. Шундан 7,47 миллиард доллари хорижий инвестициялар бўлса, 2,29 миллиард долларини корхоналарнинг ўз маблағлари, 865,7 миллион долларини Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, 332,9 миллион долларини эса тижорат банклари кредитлари ташкил этади. Шу билан бирга, умумий қиймати 2,77 миллиард долларлик 52 та инвестициявий лойиҳа ниҳоясига етказилган.

Умуман олганда, 2013 йил учун мўлжалланган Инвестиция дастурига кўра, ёқилғи-энергетика комплексида жами 32,7 миллиард долларлик 129 та инвестициявий лойиҳа бўйича иш олиб борилаётган бўлса, шундан 36 таси йил охиригача фойдаланишга топширилади. Хусусан, «Ўзбекэнерго» ДАК тизимида 12 та, «Ўзбекнефтгаз» МХК тизимида 6 та, НКМКда 8 та, ОКМКда 2 та, «Ўзкимёсаноат» ДАКда 3 та, «Ўзметкомбинат» ОАЖда 2 та, «Ўзбеккўмир» ОАЖда 2 та ва Давлат Геология қўмитаси тизимида 1 та лойиҳа ўз якунига етади.

— Кейинги йилларда жамият ҳаётининг барча жабҳалари, жумладан, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш борасида ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда, — дейди қўмита раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборов. — Бундан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишини таъминлашдир. «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Давлат дастури эса мана шу йўналишдаги ислоҳотларнинг ўзига хос локомотиви ҳисобланади. Шу маънода ушбу парламент эшитувининг айнан иқтисодиётни либераллаштириш тарафдори бўлган O`zLiDeP ташаббуси билан ташкил этилгани ҳам бежиз эмас эди.

Чунки мазкур дастурнинг амалга оширилиши 2015 йилгача қарийб 50миллиард доллар микдоридаги жами 500 дан ортиқ йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни назарда тутадики, уларнинг муваффақиятли бажарилиши шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартирибгина қолмасдан, мамлакатимиз иқтисодиётини мутлақо янги босқичга ҳам олиб чиқади.

O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида ҳам тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларига жалб этиш ва уни модернизация қилиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш барқарор даромад манбаи бўлган муқим иш ўринлари яратишнинг муҳим омили экани қайд этилган.

Дастурга киритилган жами қиймати 41,8 миллиард долларга тенг бўлган 220 та лойиҳани геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати соҳаларида амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда умумий миқдори 28 миллиард долларлик 106 та лойиҳа бўйича қизғин ишлар олиб борилмоқда. Қиймати 5,4 миллиард долларлик яна 48 та лойиҳа хорижий шерикларни танлаш, молиялаштириш манбалари ва шартларини аниқлаш босқичида бўлса, 8,4 миллиард долларга тенг бўлган 66 та лойиҳа дастлабки ҳисоб-китоблар тарзида ишлаб чиқилаяпти.

Шу ўринда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг 99 таси ёки 45 фоизи бутунлай янги корхоналар қурилиши билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. 95 та лойиҳа эса ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта таъмирлашга қаратилган бўлса, яна 26 таси бошқа йўналишларда амалга оширилади. Уларни молиялаштириш манбаларида чет эл инвестициялари қаторида ички сармоялар, яъни Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси улуши, тижорат банклари кредитлари ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари салмоғи ортиб бораётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, парламент эшитуви якунлари бўйича қабул қилинган қарор ижроси юзасидан назорат ўрнатишдан асосий мақсад дастурга киритилган инвестициявий лойиҳаларнинг сўзсиз ва самарали бажарилишини таъминлайдиган меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Шу маънода O`zLiDeP фракцияси мутасадди идоралар томонидан ички саноат кооперацияси самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини эътироф этади.

Масалан, энергетика, нефть-газ ва кимё саноатининг жадал ривожланишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш сарф-харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш бўйича чора-тадбирлар жаҳон бозорида харидоргир бўлган юқори қўшимча қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини тобора кенгайтираяпти. Бунга ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга қаратилган лойиҳалар, саноат тармоқларига илғор инновацион технологияларни жадал жорий этиш, ички саноат кооперациясини ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат тармоқларида эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни фаол ривожлантириш ҳисобига эришилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-ҳануз ўз таъсирини йўқотмаган бир пайтда айрим давлатларда ҳатто фаолият юритиб турган йирик корхоналарнинг банкрот ҳолатига келиб қолаётгани, иш ўринлари муттасил қисқартирилаётганлигини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Шундай шароитда Ўзбекистонда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётгани, энг муҳими, бу лойиҳаларнинг молиявий манбалари кафолатлангани мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва жадал ривожланаётгани, экспорт салоҳиятининг кенгайиб бораётгани, ички ва ташқи бозорда юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни изчил давом этаётгани тахсинга лойиқ, албатта.

Бу Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётни либераллаштириш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, парламентнинг назорат функцияларини кучайтириш, сиёсий партияларнинг ваколатларини кенгайтириш ва ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг кўламли ишларнинг амалдаги самарасидир.

**Муносабат**

# Қардошлик алоқалари янада мустаҳкамланди

ТАҲЛИЛЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА, ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ САМИМИЙ ДЎСТЛИК ВА УЗОҚ МУДДАТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ТАРИХИЙ ВОҚЕА БЎЛДИ

**Равшан АСҚАРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:



— Қозоғистон Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан бўлиб, 2012 йил якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 9,6 фоизга ошган ва 2 миллиард 752 миллион АҚШ долларини ташкил этган. 2013 йилнинг январь-апрель ойларида эса ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоиз ўсди ва 920,4 миллион долларга етди.

Шу ўринда бундай ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамловчи юздан ортиқ ҳужжат имзоланганини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, эркин савдо, инвестицияларни биргаликда ҳимоялаш ва рағбатлантириш, иккитомонлама солиқдан қочиш сингари келишувлар шулар жумласидандир.

Маълумки, O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида белгиланган устувор йўналишлардан бири бу бевосита савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиладиган юксак технологияларни жорий этиш ва хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш масаласидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳануз давом этаётган бугунги шароитда эса ўзаро товар айирбошлаш ҳажми динамикасини сақлаб қолиш ва уни янада кўпайтириш Ўзбекистон ва Қозоғистон манфаатларига хизмат қилади, албатта. Музокараларда алоҳида таъкидланганидек, мувозанатлашган тизим асосида ҳамда икки мамлакат миллий ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг ўзаро эҳтиёж мавжуд бўлган товар гуруҳларини синчковлик билан аниқлаш орқали ўзаро савдо номенклатурасини кенгайтириш шу маънода ҳам бирдек муҳимдир.

**Барно АБДУЛЛАЕВА,**
Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:



— Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш айни вақтда бугун Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва равнақи нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг ўтган йилнинг сентябрь ойида Қозоғистонга расмий ташрифи ўзаро алоқаларни янги, янада юксак даражага олиб чиқишга замин ҳозирлаганини таъкидлаш жоиз. Ўтган ҳафта икки давлат ўртасида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома эса ана шу аҳдлашувларнинг мантиқий давоми бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият тўғрисидаги Концепциясига тўла мос келади. Чунки ушбу муҳим ҳужжатда минтақамиздаги давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Кези келганда, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномада сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология, маданий-гуманитар, ҳарбий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий принцип ва устувор йўналишлари мустаҳкамланганига эътибор қаратиш зарур.

Минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштириш масалалари бугалги музокараларда ҳам стакчи ўринга чиққани бежиз эмас. Шу маънода ташриф давомида томонлар Ўрта Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш тизими масалаларида ягона позицияни тасдиқлаганини эътиборга молик. Бу минтақадаги барча сув-энергетика муаммоларини фақат халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва минтақадаги барча мамлакатларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда ҳал этиш зарурлигига асосланади. Дарёларнинг юқори қисмида қурилиши режалаштирилаётган ҳар қандай гидротехник иншоотлар БМТ шафелигидаги халқаро мустақил экспертизадан ўтказилиши шарт ҳамда Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар билан ўзаро келишиб олиниши лозим.

**Хулоса қилиб айтганда, Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ўзбек ва қозоқ халқларининг кўп асрлик тарихий, маданий ва маънавий яқинлиги, мамлакатларимизнинг юксак даражадаги ўзаро ишончи ва ҳурмат-эҳтиромини яна бир бор тасдиқлаган ҳамда икки давлат ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиққан муҳим сиёсий воқеа бўлди.**

# Талабаликдан — тадбиркорликка

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Бундан қарийб ўн йил аввал мамлакат сиёсий майдонига кириб келган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам O`zLiDeP дастурида белгилаб қўйилганидек, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўз элим, ўз юртим, жон Ўзбекистоним, деб ғурурланиб яшаш руҳида тарбиялашни ўзининг устувор вазифаларидан бири, деб билади. Ташкил этилаётган барча тадбирлар, амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар ана шундай мустаҳкам пойдевор асосига қурилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

O`zLiDeP «Ёшлар қаноти» томонидан ҳар йили ўтказилаётган «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови ҳам йирик партиявий лойиҳалардан бири сифатида ёшларни ўзига жалб этаяпти.





### ОМАД ЁР БЎЛСИН, ГУЛНОЗА

«Ишбилармон талаба» кўрик-танловининг Урганч ахборот ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида ўтказилган Хоразм вилоят босқичи ҳам бу фикрни исботлади.

— «Ишбилармон талаба» лойиҳаси академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари орасида тобора оммалашиб бораётгани бежиз эмас, — дейди O`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Отабек Тожибоев. — Хусусан, бу йилги танловнинг вилоят босқичида 36 нафар талаба ўз лойиҳаси ва тайёрлаган маҳсулотлари кўргазмаси билан қатнашди.

Кези келганда, мазкур тадбирнинг туман ва шаҳар босқичларида ёшларнинг ақлий ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, уларни бизнес оламига олиб кириш, ёшларнинг интилиш ва изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигига алоҳида урғу берилганини айтиш жоиз. Танловнинг қуйи босқичларида оз эмас-кўп эмас, 300 нафар йигит-қиз иштирок этгани ҳам лойиҳанинг тарғибот-ташвиқот ишларининг тўғри йўлга қўйилгани самарасидир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови иштирокчиларига қўйилган талаблар қанчалик жиддий бўлмасин, унинг вилоят босқичида иштирок этиш истагини билдирган ёшлар кутилганидан ҳам кўпчиликни ташкил этди. Тадбир давомида қатнашчилар иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий билимларидан ташқари тикувчилик, тўқувчилик, қандолатчилик, зардўзлик, гулчилик, ҳунармандлик бўйича ўзлари тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмасини ҳам намойиш этдилар.

Танлов якунида Шовот туманидаги «Шовотқалъа» маиший хизмат касб-ҳунар коллежи талабаси Гулноза Комилова ўзининг миллий дизайнерлик қобилиятини намойиш этиб, 1-ўринни эгаллади ва республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Ўзбекистонда ёшлар учун яратиб берилган шарт-шароитлар, кенг имтиёзлар менга ўхшаш миллионлаб ёшларнинг катта ҳаёт остонасига дадил, энг асосийси эса ишонч билан қадам қўйишларига имкон бермоқда, — дейди Гулноза Комилова. — O`zLiDePнинг «Ишбилармон талаба» лойиҳаси шу маънода ҳам ёшлар эътиборини тортаяпти.

Танловда, шунингдек, Урганч саноат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи талабаси Тўхтажон Полвонова 2-ўрин, Гурлан ижтимоий ва сервис касб-ҳунар коллежи талабаси Матлуба Хайитбоева эса 3-ўринни эгаллади.

### «ЗЎР ЎЙМАКОР УСТА БЎЛМОҚЧИМАН...»

Кўрик-танлов Қашқадарёда ҳам юзлаб истеъдодларни кашф этаётир. Танловнинг бу йилги шаҳар ва туман босқичларида 300 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этган бўлса, Қарши шаҳрида ўтган вилоят босқичида улар орасидан 42 нафар талаба саралаб олинди.

— Касби туманидаги Денов қишлоғиданман, — дейди Зулайҳо Маллаева. — Танловда биринчи марта иштирок этяпман. Қишлоғимизда каштачилик ва гиламчилик яхши ривожланган. Ҳозир дугоналарим билан Денов қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидаги тўгаракда шуғулланаяпмиз. Айни пайтда хотин-қизларга турли кийимлар тикиб бераяпман. Декоратив буюмлар ҳам тайёрлаяпман. Энди банкдан кредит олиб, ўқув маркази очмоқчиман.

— Ҳунармандчилик менга момомерос, — дейди Шаҳрисабз озиқ-овқат ва маиший хизмат коллежи талабаси Шоҳсанам Ҳошимова. — Каштачилик ва тикувчиликни онамдан ўрганганман. Ҳозир ўзим ҳам ироқи каштачилигини такомиллаштириш борасида изланаяпман. Кўрик-танловда қатнашиб, каттагина тажриба орттирдим. Бундай танловлар ёшларнинг катта ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам берибгина қолмай, юрт келажаги йўлидаги эзгу ишларга ҳам даъват этмоқда.

Нишон маиший хизмат коллежи талабаси Муниса Раупова томонидан яратилган замонавий кийим-кечаклар бошқа иштирокчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган бундай маҳсулотлар учун буюртмалар ҳам қабул қилинди.

— Қарши санъат коллежида ўқийман, — дейди Аъзам Ёқубов. — Оиламизда ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланамиз. Отам Азим Муродов, устозим Ғанишер Қаршиевдек зўр ўймакор-уста бўлишни орзу қиламан. Ҳозиргача йигирмага яқин эшик, эшик сўри, лавҳ ва устунларга безак бердим. Келажакда ўз жамғармам ҳисобидан устахона очиб, тенгдошларимга ҳам касб сирларини ўргатмоқчиман.

— Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташларига ҳам ёрдам бераяпмиз, — дейди Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Сарвар Ботиров. — Президентимизнинг «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада дастуриламал бўлаяпти.

Тадбирда Шаҳрисабз академик лицейи ўқувчиси Суғдиёна Омонова, Яккабоғ саноат ва хизмат кўрсатиш коллежи талабаси Гулзода Мейлиева, Косон компьютер технологиялари коллежи талабаси Беҳруз Холиёров «Ишбилармон талаба» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар ва O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

### «ҲУНАРМАНДЛАР МАРКАЗИ»ДА ҲУНАРЛАР НАМОЙИШИ

«Ишбилармон талаба» кўрик-танлови ҳақиқатан ҳам қобилиятли ёшларни кашф этаётган истиқболли лойиҳалардан бирига айланди. Самарқанд «Ҳунармандлар маркази»да ўтказилган вилоят босқичи ҳам буни исботлади.

— Лойиҳанинг энг фойдали жиҳати — ёшлар нафақат ўзаро суҳбатлар орқали ахборот алмашишади, балки интерфаол мулоқотларда инновацион ташаббусларини иқтисодиётнинг реал секторига жорий этиш бўйича янги таклифларини ҳам билдирмоқдалар, — дейди O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Сардор Луқмонов. — Умуман олганда, вилоятда ўтказилган 20 га яқин тадбирда 1000 нафардан ортиқ ёшлар қатнашди.

— Уйдагилар «Чеварлик — қиз боланинг кўрки», деб ўргатишган, — дейди Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошидаги 1-сон академик лицей ўқувчиси, танлов ғолиби Саломат Амирқулова. — Опамдан чеварликнинг барча сирларини ўргандим. Шу тариқа аёллар ва эркаклар либоси, кўрпа-кўрпача ва чойшаблар, элита пардалар тикиш севимли машғулотимга айланди. Момоларимизнинг айтишларича, чеварлик бахт келтирармиш. Мен ўз ҳаётимда бунинг исботини кўрдим. Ногирон Зилола опам оёқ билан бошқариладиган тикув машинасида ишлаш асносида юриб кетди. Ҳозирда шогирдлар тайёрлаяпти. Танловда хотин-қизлар учун миллий қуроқчилик асосида яратилган замонавий бичимдаги либослар тўплами, қоғоздан ясалган гуллар, оқ кушларим билан қатнашдим. Келажакда ўз корхонамни очмоқчиман.

Танловда ҳакамлар иккинчи ўринга Каттақўрғон саноат ва миллий ҳунарманлчилик касб-ҳунар коллежи талабаси Лазиза Холбоевани лойиқ топишди. Учинчи ўрин эса Кўшработ туманида ўқиш билан бирга қишлоқ хотин-қизларига «Гўзаллик салони»да хизмат кўрсатаётган Наргиза Холдоровага насиб этди.

### ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЁШЛАР

«Ишбилармон талаба»нинг Бухоро вилояти босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган 23 нафар йигит-қиз ўртасидаги соғлом рақобат ва кескин баҳс-мунозаралар ҳам талаба-ёшларнинг билим даражаси, дунёқараши, тадбиркорлик соҳасига қизиқиши, жамиятда ўз ўрнини топишга бўлган интилишлари юқори эканини кўрсатди.

— Тадбиркорлик кўникмалари ярқ этиб кўзга ташланадиган ёшлар сафини кенгайтириш, уларнинг тўлақонли фаолият олиб боришлари учун ҳар томонлама кўмаклашиш O`zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифаларидан биридир, — дейди партия вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Фармон Аминов. — Шу маънода, «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан 2004 йилдан бери ўтказилаётган «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови давомида кўплаб иқтидорли йигит-қизлар кашф қилиндики, эндиликда уларнинг аксарияти кичик бизнеснинг аниқ йўналишлари бўйича муваффақиятли иш олиб бормоқдалар.

Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, биринчи ўринни Пешку саноат-транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи талабаси Мироқил Ёрқулов эгаллади.

— XXI аср — юксак технологиялар асри, — дейди Мироқил. — Шу боис биз, ёшлар АКТ йўналишидаги билимларимизни доимо бойитиб боришимиз, тезкор давр талабларини теран англашимиз, хусусан, алоқа соҳасидаги янги хизматлар, технологиялар ва ечимлар намойишида ўз ўрнимизни топишимиз зарур. Бунда «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови сингари ўзига хос синов ва беллашувларнинг аҳамияти катта, деб ўйлайман. Компьютер саводхонлиги бўйича олган билимларимга таянган ҳолда яқинда ўзим ишлаб чиққан «Қоровул» дастури асосида флешкалардаги вирусларни бартараф этишга оид мулоҳазаларим кўрик-танловда юқори баҳоланганидан мамнунман.

**— ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР УЧУН ЯРАТИБ БЕРИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР, КЕНГ ИМТИЁЗЛАР МЕНГА ЎХШАШ МИЛЛИОНЛАБ ЁШЛАРНИНГ КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИГА ДАДИЛ, ЭНГ АСОСИЙСИ ЭСА ИШОНЧ БИЛАН ҚАДАМ ҚЎЙИШЛАРИГА ИМКОН БЕРМОҚДА**

Кўрик-танловда 2-ўринга муносиб, деб топилган Азизбек Қурбонов Бухоро давлат университети ҳузуридаги 4-академик лицейда таълим олади. Ўсимликшуносликка қизиқиши кучли бўлгани боис, у айнан шу соҳадаги маълумотларни тўплаб боради, матбуот материаллари ва бошқа илмий-оммабоп рисолаларни мунтазам мутолаа қилади.

— Кейинги йилларда нашр этилган энциклопедик китоблардан бирида папайя дарахти, унинг шифобахш меваси ҳақида ўқиб қолдим, — дейди Азизбек. — Ҳозир асосан Сурхондарёда ўсадиган бу ўсимликни Бухорода кўпайтирмоқчиман. Маълумки, папайя меваси оқсил ва кислоталарга бой бўлиб, ошқозон-ичак касалликларини даволашда қўлланилади. У ҳомиладор аёллар учун шифобахшдир.

4-академик лицейнинг яна бир иқтидорли талабаси Нодир Абдуллаевга эса фахрли 3-ўрин насиб этди.

— Халқ амалий санъати, хусусан, қадимий ҳунармандчиликнинг муҳим йўналишларидан бири — ёғоч ўймакорлигига ҳавас менда эрта уйғонган, — дейди у. — Бухоролик моҳир уста Ҳусен Қосимовнинг кўмаги билан ана шу хунарнинг нозик сирларини билишга эришдим.

Ҳа, тиришқоқ шогирднинг қўлида сайқал топган бир-биридан бежирим ёғоч буюмлар, шахмат-шашка тахталари ва доналари, қаламдон, китоб ушлагич, ёғоч идиш-товоқлар ҳар қандай киши эътиборини ўзига тортади. Шу тариқа халқимизнинг азалий қадриятлари тажрибали ҳунармандлар, шу жумладан, уларнинг ёш издошлари интилиши-ю саъй-ҳаракатлари билан янгича жило касб этаяпти.

Бир сўз билан айтганда, O`zLiDePнинг 2013 йилдаги энг йирик лойиҳаларидан бири — «Ишбилармон талаба» лойиҳаси мамлакатимиз келажаги — ёшларга қанот бўлаяпти. Зеро, юртимизнинг кейинги тараққиёти ишончли авлодда эканлигини сезган ҳар қандай кишининг қалби шу азиз Ватан учун фахр-ифтихор ҳис-туйғуси билан лиммолим бўлиши турган гап.

**Ш.Раҳимов, С.Икромов, М.Равшанова ва А.Истамов тайёрлади.**

## «Аёллар қаноти»

# Фарғоналик маликалардан ўрганинг

### ФАРҒОНАДА ТАЖРИБАЛИ ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕР АЁЛЛАР ЎЗ БИЗНЕСИНИ БОШЛАМОҚЧИ БЎЛГАН ЁШ ҚИЗЛАРГА БИРИКТИРИЛМОҚДА

**2012 ЙИЛДА «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» КЎМАГИДА ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ВА ХАЙРИХОҲЛАРИ БЎЛГАН АЁЛ ТАДБИРКОРЛАРГА 364 МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ АЖРАТИЛДИ.**

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ,**
«XXI asr»

— Айни пайтда вилоятимизда O`zLiDeP аъзолари 11419 нафар бўлса, уларнинг 4429 нафарини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Гулбаҳор Турдиқулова. — 368 та БПТнинг 95 тасига ҳам аёллар етакчилик қилишаяпти.

2012 йилда «Аёллар қаноти» кўмагида партия аъзолари ва хайрихоҳлари бўлган аёл тадбиркорларга 364 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Олтиариқлик Саидахон Саидкамолова ҳам «Аёллар қаноти» кўмагида «Микрокредитбанк» ОАТБ туман филиалидан 10 миллион сўм кредит олган эди. Айни пайтда унинг «Гўзаллик салони»да 12 нафар қиз меҳнат қилаяпти.

— Мен ҳам «Микрокредитбанк»нинг 3 миллион сўм кредити, «Меҳр нури» фондининг эса 1,5 миллион сўм грантини олишга эришдим, — дейди фарғоналик Ёқутхон Мўминова. — Ҳозир тикувчилик цехимда 10 нафар қиз ишлаяпти. Маҳсулотларимиз бозорда ўз харидорини топа бошлади.

«Обод турмуш йили»нинг ўтган 5 ойида O`zLiDeP аъзоси бўлган 30 нафар опа-сингилларимиз 76 миллион сўм кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйгани натижасида аёллар учун яратилган иш ўринлари сони 56 тага етди.

Шу ўринда «Аёллар қаноти» ташаббуси билан тадбиркор ва фермер аёлларнинг ёш хотин-қизларга бириктириб қўйилгани бу борадаги натижаларни янада оширишга хизмат қила бошлаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундай ташаббус «Аёллар қаноти»нинг барча тадбирлари, ўқув-семинарларида ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

«Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими, «Регионал мулоқот» ННТ ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Корхона очиш кўникмалари» мавзуидаги семинарда ҳам Риштон туманидаги «Ихтиёр СМИК» фермер хўжалиги раҳбари Мўътабар Аҳмедова фермерликка қизиқиши бўлган қизларни шогирдликка олиш таклифини билдирди. 2002 йилда дастлаб 20 гектар ерда иш бошлаган М.Аҳмедова бугунга келиб 120 гектар майдонда пахта, ғалла ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштираётир. Айни пайтда мева-сабзавотларни қайта ишлашни йўлга қўйган фермер ўз маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштираяпти.

«Қувасойполиграфсервис» МЧЖ раҳбари Дилором Меҳмонова қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қўштепалик партия фаоли Дилором Баҳромова маиший хизмат ва сервис, Фарғона шаҳридаги «Дилобар» кафеси раҳбари Мукаррам Юсупова эса умумий овқатланиш соҳасига коллеж битирувчиларини кенг жалб этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Аёллар қаноти» Фарғона вилоятида ҳам ўз атрофига ишбилармон, тадбиркор, фермер аёлларни жамлаб, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий билими, касбий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятларини оширишга амалий кўмаклашаяптилар.

## Эълон

**«RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ**
**томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган**
**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Аукцион савдосига Андижон вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖ Кузатув кенгашининг 22.09.2012 йилдаги 4-сонли йиғилиш қарорига асосан жамиятга тегишли қуйидаги бино ва иншоотлари қўйилмоқда:**

**1.** Андижон вилояти, Асака тумани, Қадим ҚФЙ, Қадим маҳалласида жойлашган, қурилиш майдони **452,92** кв.метр бўлган «Омборхона» бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси **19139527** сўм;

**2.** Андижон вилояти, Андижон тумани, Хортум ҚФЙ, Завроқ маҳалласида жойлашган, қурилиш майдони **521,82** кв.метр бўлган «З.М.Бобур номли минерал ўғит тарқатиш шохобчаси» бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси **23394832** сўм.

Ушбу бино ва иншоотларга қизиқиш билдирган талабгорлар тегишли жамият ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.
Аукцион савдоси 2013 йилнинг 24 июль куни соат 11.00да бўлиб ўтади. Ушбу кунда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий савдоси 2013 йилнинг 7 август ва 21 август кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар қабул қилиниши савдо куни бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.
Савдода қатнашиш учун:
– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агарда унинг вакили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома.
– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Низом нусхаси. Агар савдода ваколатли шахс қатнашган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома.
Талабгорлардан аризалар Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уйнинг, 107-хонасида расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади.
Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида гаров пули тўлайдилар. Тўлов ҳужжатида тўлов мақсади аниқ кўрсатилган ҳолда савдо ташкилотчиси «Rieltor ekspress konsalting» МЧЖнинг «Трастбанк» Андижон шаҳар филиалидаги МФО: 01074, СТИР: 302067760, 20208000704927796001 ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт.
Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

**Маълумот учун манзил: Андижон шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 30-уй. Мўлжал: Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Андижон вилоят бошқармаси биноси 1-қават, 107-хона.**
**Мурожаат учун телефон рақами: (+998) 93 910-11-12.**
Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR-0026.

**СИРДАРЁ**



O`zLiDeP Бахт шаҳар кенгаши «Раҳматулла» хусусий корхонасида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, аҳоли ўртасида мустақиллик ғояларини кенг тарғиб қилиш, миллий менталитетимизга ёт бўлган турли зарарли оқимларга қарши курашиш масалаларини муҳокама қилди.

**СУРХОНДАРЁ**



Шўрчи туманидаги «Хуррам» фермер хўжалигидаги бошланғич партия ташкилоти аъзолари маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда электорат вакилларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ислоҳотлар жараёнига кенгроқ жалб этишга доир вазифаларни белгилаб олдилар.

**ҚАШҚАДАРЁ**



Касби туманидаги «Турон» фермер хўжалигида тузилган бошланғич ташкилотда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» мавзуида тадбир ўтказилди. Унда ёшлар ва хотин-қизларнинг давлат қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, фуқаролик институтлари, сиёсий партиялар ҳудудий кенгашлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» **2013** йил **20** июнь, пайшанба · web sayt: www.**21**asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

### МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

**Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё, Беруний туманлари ҳамда Нукус шаҳар «Сиёсий таълим марказлари» томонидан депутатлик гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари учун ўқув-семинарлар ташкил этилди. Уларда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун кичик бизнес ва хусусий бизнес имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таъкидланганидек, Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги «Мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг обрў-эътиборини янада ошириш йўлида меҳнат қилиш – муқаддас бурчимиз», шунингдек, «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуидаги халқаро конференциядаги маърузасида ўртага қўйилган вазифалар барча қатори депутатлик гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотларидан ҳам алоҳида масъулият талаб этади. Шундай экан, барча куч ва имкониятларни ишга солиб, эл-юрт манфаатига хизмат қилиш электорат аъзоларининг бирдан-бир бурчига айланиши лозим.**

### ҚОНУННИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛАМИЗ

**Бағдод туманидаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг «Қўқон таянч пункти»даги БПТда «Обод турмуш йили»да O`zLiDePнинг устувор вазифалари ва унда БПТларнинг ўрни ва роли» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

**— Мазкур тадбирдан мақсад, — дейди БПТ раиси Мамлакатхон Йўлдошева, — «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросида партия фаоллари иштирокини янада ошириш, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун асосида оилавий корхоналарни ташкил этиш, кичик бизнесни ривожлантириш орқали янада обод турмуш яратишда БПТлар фаоллигини оширишдир. Тадбир иштирокчиларига маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш хусусида қўшимча маълумотлар ҳам берилди.**



### СОҲИБНАЗАРГА ТОШЛОҚ ҲАМ ПИСАНД ЭМАС

**Деҳқонобод туманидаги тошлоқ ерларда деҳқончилик қилиш том маънода тадбиркорликни талаб этади. Бугунги ёшларда эса шижоат билан бирга ишбилармонлик салоҳиятининг тобора юксалаётгани айрим қийинчиликларни изчил бартараф этиш имконини бераяпти. Чучуккудуқ қишлоғилик Соҳибназар Бойназаров «Обод турмуш йили»да «Соҳибкор Соҳибназар» фермер хўжалигига асос солди. Айни пайтда унга тегишли бўлган 42 гектар лалми ер майдонининг 15 гектарини яйловлар ташкил этади.**

**— 14 гектарга лалмикор буғдой, арпа, қовун-тарвуз экдик, — дейди ёш тадбиркор. — Яна шунча боғ яратдик. Ҳозиргача мингга яқин кўчат ўтқаздик. Баҳорнинг серёғин келгани ҳам биз учун қулайлик яратди. Дастлабки йилдаёқ буғдой ва арпадан мўл ҳосил кўтаришни мўлжаллаяпмиз. Боғимиз ҳосилга киргунча мевани қайта ишлаш цехи қурмоқчиман. Тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйишимда қимматли маслаҳатларини аямаган тадбиркор аёл, халқ депутатлари Деҳқонобод туман кенгаши депутати Нодира опа Бойназаровадан миннатдорман.**

# Қуйи бўғинлар олдинга ўтсин!

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ СИЁСИЙ КУЧНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ, ШУБҲАСИЗ, УНИНГ ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШГА, ЯЪНИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚЎШАЁТГАН ҲИССАСИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

**Шаҳодат МИРЗААЛИЕВА**
«XXI asr»



O`zLiDeP ва унинг қуйи тузилмалари ҳам ушбу талабдан келиб чиқиб, электорат хоҳиш-иродаси ва манфаатларини тўла рўёбга чиқаришга интилмоқда. O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Салим Болтаевнинг таъкидлашича, айни пайтда ҳудудда 421 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз атрофига 9263 нафар аъзони бирлаштирган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

— Туман ва шаҳар кенгашлари ташаббуси билан ўтказилаётган ҳар қандай тадбир, айниқса, партиявий лойиҳаларга ҳам БПТ аъзолари кенг жалб этилмоқда, — дейди С.Болтаев. — Бундан кўзланган мақсад уларни партия ғоя ва вазифаларидан кенгроқ хабардор қилиш ва албатта, БПТларни ана шу жараённинг фаол иштирокчиларига айлантиришдир.

Бу борада, айниқса, Бухоро, Когон шаҳар ва туманлари, шунингдек, Вобкент туманларидаги ижобий ишлар яхши самара бермоқда. Аммо ҳозирча Пешку, Қоракўл ва Жондор туманларидаги фаолиятимизни қониқарли, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам вилоят кенгаши мутахассислари айнан ана шу ҳудудларга амалий ёрдам бераяптилар. БПТлар турли адабиёт, тарқатма материаллар билан таъминланаяпти. Қуйи бўғин аъзолари учун семинар ва тренинглар ўтказилаяпти.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтда Бухорода қуйи бўғинлар фаолиятида юз бераётган ижобий ўзгаришлар туман, шаҳар кенгашлари ишига ҳам таъсир этаётгани бежиз таъкидланмаяпти. Бир сўз билан айтганда, фаоллик, ташаббускорлик БПТлар учун асосий мезонга айланмоқда, десак хато бўлмайди. Айниқса, жойларда ўтказилаётган турли тадбирлар, давра суҳбатларида асосий эътибор электорат вакилларининг ҳаётий муаммоларига қаратилаётгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Бу эса жойларда партиянинг ғоя ва мақсадларига бўлган қизиқишни кучайтираётир. Ташқи иқтисодий фаолият «Миллий банк»нинг Когон шаҳар филиали ҳамда туман Саломатлик масканида ташкил этилган давра суҳбатида ҳам асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик масалалари муҳокамасига бағишланди. Қолаверса, O`zLiDeP Дастури ва Устави, шунингдек, Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан кўплаб амалий таклифлар ўртага ташланмоқда.

Юртбошимизнинг «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш бизнинг бош мақсадимиздир» мавзуидаги маърузаси юзасидан эса Жондор ва Қоракўл туманларида ўтказилган давра суҳбатлари, шунингдек, Олот туманида БПТ етакчилари иштирокида ташкил этилган «Сиёсий партияларнинг мақсад ва вазифалари: уларнинг партиявий ғоялари ўртасидаги тафовутлар» мавзуидаги йиғилиш, Ромитан туманидаги «Қаҳрамон» МФЙ ҳудудида иш олиб бораётган қуйи бўғиннинг «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» мавзуига бағишланган тадбирлари ҳам долзарблиги ва ижтимоий аҳамияти билан алоҳида ажралиб турди.

— Маълумки, қуйи ташкилотлар партиянинг негизи саналади. Агар улар кўнгилдагидек фаолият юритса, ижтимоий-сиёсий соҳада кўзланган мақсадларга тўла эришиш мумкин, — дейди O`zLiDeP Бухоро шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Д.Шарипова. — 350 га яқин бошланғич ташкилот раислари қайта сайланди. Жойларда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларида қуйи бўғинлар томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Шундан кейин шаҳардаги барча БПТлар ўз режасини қайта кўриб чиқиб, келгуси вазифаларни белгилаб олди. Бу эса «Обод турмуш йили»да қуйи бўғинлар ва уларнинг етакчилари зиммасига катта масъулият юклаши шубҳасиз. Зеро, ғоявий-маърифий ишларни кучайтириш, партиянинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш ҳар биримизнинг асосий бурчимиздир.

> **O`ZLIDEP УСТАВИДАН**
>
> **БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ:**
> — ПАРТИЯ УСТАВИ, ДАСТУРИ ВА ПАРТИЯ РАҲБАР ОРГАНЛАРИНИНГ БОШҚА ҚАРОРЛАРИ БИЛАН БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИНИ ҚОНУН ДОИРАСИДА АҲОЛИ ЎРТАСИДА ТАРҒИБ ҚИЛИШ ВА ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРАДИ.

# Депутатлик сўровига ким эътиборсизлик қилаяпти?

O`ZLIDEP ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ ТАДБИРДА АЙРИМ МУТАСАДДИ ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ДЕПУТАТЛИК СЎРОВЛАРИГА ЭЪТИБОР СУСТ ЭКАНИ ТАЪКИДЛАНДИ

**Фирдавс ХАМИДУЛЛАЕВ**

Маълумки, Юртбошимизнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилдаги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида белгилаб берилган долзарб вазифалар сиёсий партиялар зиммасидаги масъулиятни янада ошириш, жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнида ташаббускорлик билан иш юритишни тақозо этмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда ўтказилган ўқув-семинарда айни шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, бу борада мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, жумладан, депутатлик сўровлари ва улар ижросини таъминлаш, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашда ОАВ имкониятларидан унумли фойдаланиш масалаларига қаратилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Равшан Фозиловнинг фикрича, пойтахтнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган хусусий сектор вакиллари учун яратилган имконият ва имтиёзлар улар фаолиятининг жадал ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар пойтахтдаги бунёдкорлик ишларида, саноат, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги натижалар, хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш орқали минг-минглаб янги иш ўринлари ташкил этилаётганида ҳам яққол кўзга ташланмоқда, — деди Равшан Фозилов. — Агар 2013 йилнинг I чораги натижаларини таҳлил этсак, пойтахт иқтисодиётига киритилган жами 679,5 млрд. сўм миқдоридаги сармоя натижасида 19638 та янги иш ўрни ташкил этилганини кўрамиз. Бунда хусусий секторнинг улуши юқоридир. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда ҳудудий дастурлар ижроси қатъий назоратга олингани эса натижалар салмоғини янада ошираяпти.

Ҳақиқатан ҳам, депутатлик ва жамоатчилик назоратининг тўғри йўлга қўйилгани мамлакатимизнинг бош кентида барча соҳа ва тизимлардаги ижобий ўзгаришлар ижросини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бу жараёнга халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашида кўпчилик ўринни эгаллаган O`zLiDeP аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшаяптилар. Зеро, 2013 йилнинг ўтган даврида депутатлик гуруҳи йиғилишларида 7 та масала кўриб чиқилди. O`zLiDeP вакиллари етакчилик қилаётган доимий комиссиялар томонидан эса халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясига 2 та масала киритилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай натижаларга қарамай, ҳали пойтахтдаги партия фаоллари томонидан фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд эканини депутатлар алоҳида қайд этдилар.

Шунинг учун ҳам O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Миржамол Мирсаидов пойтахтлик партия аъзолари бошқа ҳудудларга ҳар томонлама ўрнак бўлишлари лозимлигини таъкидлаб, бунда депутатлар фаолияти айниқса муҳим эканини қайд этди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари ўринбосари Рустам Саидов эса изчил ислоҳотлар даврида депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳаллий ижро ҳокимияти билан O`zLiDeP ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, депутатлик сўрови ва жамоатчилик назорати имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

— Айни пайтда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашида O`zLiDePнинг 23 нафар депутати фаолият олиб бормоқда, — дейди Рустам Саидов. — ХДПнинг 17 нафар, «Миллий тикланиш» ДПнинг 10 нафар, «Адолат»нинг эса 10 нафар депутати бор. Аммо 2012 ва 2013 йилнинг ўтган даврида бўшаб қолган ўринларга ўтказилган сайловларда бошқа партиялар номзодларига кўпроқ ишонч билдирилгани пойтахтда O`zLiDeP фаолиятини кучайтириш лозимлигини кўрсатаяпти.

Ҳақиқатан ҳам, бой берилган ҳар бир депутатлик ўрни бу ўша ҳудуддаги сайловчилар ишончи бой берилди, деганидир. Бас, шундай экан, O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши бундан тегишли хулосалар чиқариши лозим.

Шу ўринда бир масалага алоҳида тўхталиш жоизга ўхшайди. Тадбирда айрим депутатлар, хусусан, O`zLiDeP Учтепа туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Дилшод Шоумаров депутатлик сўровларига айрим мутасадди идоралар ўз вақтида муносабат билдирмаётганларини таъкидлади.

Ҳа, чиндан ҳам баъзи соҳа ва тизим мутасаддиларининг депутатлик сўровларига ҳанузгача лоқайд муносабатда бўлаётган ҳолатлар учраб турибди. Аммо минг-минглаб сайловчилар ишончини қозонган ва улар номидан иш кўраётган депутатнинг ўзи ана шундай ҳолатда қонуний имконият ва ваколатларидан қай даражада фойдалана олаяпти, деган бошқа бир савол ҳам пайдо бўлади.

Зеро, бугунги ислоҳотлар жараёни, энг аввало, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олган партия фаоллари ҳамда унинг қуйи бўғинларидан сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиш, ўз электорати манфаати ва хоҳиш-истакларини қонуний ифода этишга кўмаклашиш, аҳолининг ғоявий-сиёсий маданиятини янада юксалтиришда ташаббускор ва қатъиятли бўлишни тақозо этади. Демак, бирон-бир мутасадди ташкилот раҳбари қонун талабларига амал қилмаётган, сайловчи ёхуд партия электорати талабига бефарқлик қилаётган экан, бундай ҳолатларга муросасиз бўлиш ҳам депутатлардан куч ва ирода талаб этишини унутмаслик лозим. Хўш, нега депутатларнинг ўзи депутатлик сўровига эътиборсизлик қилаётганларнинг хатти-ҳаракатларига ўз вақтида муносабат билдирмаяптилар? ОАВ ёхуд партия нашрида ана шундай лоқайдликка жавоб қайтарилмади? Шу ўринда айрим депутатларимиз матбуот вакилларини қандайдир тантанали «хайрия кечалари»га чақириш ўрнига, ана шундай қизғин баҳс-мунозара, электорат манфаати билан боғлиқ жараёнларга кўпроқ жалб этсалар, фойдалироқ бўларди, дегинг келади. Бундан, энг аввало, сайловчи, электорат вакилларига амалий наф теккан бўларди, албатта.

Ўқув-семинар давомида O`zLiDeP депутатлик гуруҳи фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг бошланғич ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, муҳим ҳаётий масалаларни халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессиясига киритиш юзасидан амалий таклифлар ҳам муҳокама этилди.

> **АЙРИМ ДЕПУТАТЛАРИМИЗ МАТБУОТ ВАКИЛЛАРИНИ ҚАНДАЙДИР ТАНТАНАЛИ «ХАЙРИЯ КЕЧАЛАРИ»ГА ЧАҚИРИШ ЎРНИГА, АНА ШУНДАЙ ҚИЗҒИН БАҲС-МУНОЗАРА, ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАРАЁНЛАРГА ЖАЛБ ЭТСАЛАР, ФОЙДАЛИРОҚ БЎЛАРДИ, ДЕГИНГ КЕЛАДИ. БУНДАН, ЭНГ АВВАЛО, САЙЛОВЧИ, ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИГА КЎПРОҚ НАФ ТЕГАРДИ, АЛБАТТА.**

Реклама ўрнида

# «Асака» банк — ишончли ҳамкор

МАЪЛУМКИ, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА ТЎЛА МОС КЕЛАДИГАН БАНК ТИЗИМИ ШАКЛЛАНТИРИЛИБ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ЯНГИЛАНИШЛАРДА МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ МУҲИМ ТАЯНЧГА АЙЛАНДИ

**Шаҳзод НАЗАРОВ,**
«XXI asr»



«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Наманган вилоят филиали томонидан йўналтирилаётган кредитлар ҳам, энг аввало, мамлакат миллий иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, филиал «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаяпти.

Филиалнинг кредит портфели 2013 йил 1 июнь ҳолатига 52,9 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда узоқ муддатли кредитлар салмоғи 98,2 фоизни ташкил этади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлик соҳасига 12,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилган бўлиб, бунинг натижасида 130 га яқин янги иш ўрни яратилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини равнақ топтириш, аҳоли эҳтиёжларини қондириш ҳам банк эътиборидаги асосий йўналишлардандир. Шу боис мазкур тармоқ ривожи учун 2,2 млрд. сўмга яқин кредитлар берилди. Чунончи, Наманган шаҳридаги «Фарзиё файз савдо» хусусий корхонасига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Банк фаолиятига оид бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Наманганда тадбиркорликка қўл уриб, эл орасида обрў-эътибор топаётган хотин-қизлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг ташаббуслари эса «Асака» банк томонидан фаол қўллаб-қувватланаётир. Жорий йилда тадбиркор аёлларга ишлаб чиқариш фаолиятларини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадларига 626 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Маълумки, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг кўпчилиги айни пайтда тадбиркорлик билан шуғулланишни ихтиёр этмоқдалар. Ана шу соҳани эгаллашга бел боғлаган ёшлар тижорат банклари томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Филиал томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида таълим муассасалари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун ҳам салмоқли кредитлар ажратилди.

Бозор пештахталарининг сифатли, арзон маҳсулотларга тўлишидан аҳолининг барча қатлами бирдек манфаатдор, албатта. Бугун дунёда озиқ-овқат муаммоси тобора зиддиятли тус олаётган бир пайтда юртимизда мазкур йўналиш тизимли равишда қўллаб-қувватланмоқда. Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг салмоқли қисми ҳам айнан шу соҳага сарфланаётир. Хусусан, «Асака» банкнинг Наманган вилоят филиали томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган тадбиркорларга 738 млн. сўмдан зиёд, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 4,9 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

Кўриб турганингиздек, мамлакат молия бозоридаги нуфузли банкнинг Наманган вилоят филиали иқтисодиётимиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Банк филиали мутасаддиларининг фикрича, жамоа бундан буён ҳам «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш, истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириб бораверади.

## Тадбиркорлик

# Эртанги кундан кўнглимиз тўқ

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҲАР ҚАЧОНГИДАН КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНЛИГИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

**Фарҳод МАЛИКОВ,**
«KELES-FAROVON» МЧЖ директори

Хусусан, банк кредити эвазига ўз бизнесини йўлга қўйиб, турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган мулкдорлар сафи тобора кенгайиб бораётганлиги қувончли ҳолдир. «KELES-FAROVON» масъулияти чекланган жамияти ҳам 2009 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг марказий амалиёт бўлими ёрдамида барча турдаги чинни буюмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида фаолиятимиз доираси анча кенгайди. Шу боис эртанги кундан кўнглимиз тўқ. Энг муҳими, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз ички бозорда қисқа фурсат ичида ўз ўрнини топди. Бу борада, албатта, Миллий банкнинг марказий амалиёт бўлими томонидан ажратилган 330 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағи жуда қўл келди. Мазкур маблағ эвазига чинни идишлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган 230 млн. сўм миқдоридаги технологик ускуна сотиб олиш ҳамда айланма маблағларни 100 млн. сўмга кўпайтиришга эришдик. Лойиҳанинг умумий қиймати 442 686 000 сўмни ташкил қилди.

Дарҳақиқат, молиявий ҳамкорликда ҳикмат кўп. Бугунги кунга келиб корхона тўлиқ модернизация қилинди, десам асло муболаға бўлмайди. Натижада йиллик товар айланмаси ҳажми 517 151 000 сўмдан 667 879 000 сўмга, соф фойда эса 113 622 000 сўмдан 219 863 000 сўмга етди. Айни пайтда жамоада 40 киши меҳнат қилмоқда. Яқин келажакда улар сонини янада ошириш ниятидамиз. Галдаги асосий мақсадларимиздан бири замонавий технология асосида жаҳон стандартларига жавоб берадиган чинни буюмлар ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялар сафидан муносиб ўрин эгаллашдир. Шу боис асосий эътиборни интилувчан, малакали мутахассислар базасини шакллантиришга қаратмоқдамиз. Жумладан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини сафимизга жалб этиш, уларнинг куч ва иқтидоридан самарали фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.



Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг ўзига яраша машаққатлари бор, албатта. Аммо ташвишланишга ҳеч қандай асос йўқ. Чунки юртимизда кичик бизнес билан шуғулланиш, тадбиркорликни йўлга қўйиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Фақат хоҳиш бўлса, бас. Биз ҳам келгусида банк билан ҳамкорликни янада кенгайтириб, ўз маҳсулотларимиз билан жаҳон бозорига чиқишни режалаштирмоқдамиз.



Qishloq Qurilish Bank

# Асосий сармоялар — қишлоқ қурилишига

ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ҲАР ҚАНДАЙ ХАЙРЛИ ИШ ЭРТАНГИ КУНГА БЎЛГАН ИШОНЧНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ БИЛАН МУҲИМ ВА ҚАДРЛИДИР

**ЖОРИЙ ЙИЛДА ҚУРИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН УЙЛАРНИНГ 8 182 ТАСИ ОАТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК», 1 198 ТАСИ ТИФ МИЛЛИЙ БАНК ВА 620 ТАСИ АТИБ «ИПОТЕКА БАНК» ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ.**

Очиқ акциядорлик-тижорат «Қишлоқ қурилиш банк» жамоаси ҳам ушбу бунёдкорлик жараёнида фаол қатнашиб, мижозлар манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, 2009-2012 йиллар давомида аҳоли сармояси ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан ажратилган имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобига қишлоқ ҳудудларида 23 500 дан ортиқ замонавий ва кўркам турар-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қурилиш объектларининг умумий қиймати 1962,1 млрд. сўмни ташкил этди. Уни молиялаштириш учун банк томонидан 1 186,3 млрд. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилди.

Бу эса қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан яна бир далолатдир.

Мамлакатимиз Президентининг «2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида»ги қарори фикримизни яна бир карра тасдиқлайди. Зеро, унга мувофиқ, жорий йилда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш Дастури маъқулланиб, шу асосда қишлоқ ҳудудларида 10 мингта янги уй-жой барпо этиш кўзда тутилмоқда. Унинг ялпи қиймати 1 400,0 млрд. сўмни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши дастурини самарали амалга оширишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, уй-жойларни эгаларига тайёр ҳолда топшириш, ушбу жараёнга тижорат банкларини кенг жалб этиш кўзда тутилаётир. Жумладан, жорий йилда қурилиши мўлжалланган уйларнинг 8182 таси ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк», 1198 таси ТИФ Миллий банк ва 620 таси АТИБ «Ипотека банк» томонидан молиялаштирилади.

Яъни, сармоя масаласида ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги аниқ. «Қишлоқ қурилиш банк» иштирокида молиялаштириладиган уй-жойлар қурилиши учун бугунгача «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси филиаллари ҳисоб рақамларига 457,8 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ўтказиб берилди.

Кези келганда, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, маданий-маиший иншоотлар тармоғини кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун чет эл банклари кредит линиялари фаол жалб қилинаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Мана, бир мисол. Юртбошимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида кўп траншли молиялаштириш Дастури бўйича амалга ошириладиган устувор чоралар тўғрисида»ги қарори асосида «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини молиялаштириш режаси, шунингдек, «2012-2015 йилларда Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари» Дастури тасдиқланган бўлиб, ушбу йўналишда айни кунгача Осиё тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 179,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди ва қишлоқ жойларда намунавий уй-жой барпо этиш учун йўналтирилди. Умуман, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» иқтисодий соҳадагиислоҳотларни чуқурлаштириш, мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу эса унинг мамлакат молия бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

**Банк матбуот хизмати**

## Эълон

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**

**«ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ**

**БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСКИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Аукцион савдосига «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ижроия қўмитаси мажлисининг **2013** йил **3** июндаги **26**-сонли баёнига ҳамда «Ўзбекинвест» ЭИМСК Андижон вилоят филиалининг **18.06.2013** йилдаги **02/1-264**-сонли алоқа хатига асосан Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Тинчлик кўчаси, **9**-а уйда жойлашган «Ўзбекинвест» ЭИМСК Андижон вилоят филиалига қарашли **2003** йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли давлат белгиси **60226** НАА бўлган автотранспорт воситаси **7581000** (етти миллион беш юз саксон бир минг) сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда. Аукцион савдоси **2013** йил **22** июль куни соат **11.00** да бўлиб ўтади. Ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда, такрорий аукцион савдолари **2013** йилнинг **24**,**26** июль кунлари соат **11.00** да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситасига қизиқиш билдирган харидорлар юқоридаги манзил бўйича бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдорида гаров пули тўлайдилар. Гаров пулини жамиятнинг ТИФ «Миллий банк» Андижон вилоят филиалидаги МФО: 00074, ИНН: 205987298, 20208000904456131001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёки харидорлар аризалари эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) аукцион савдоси ўтказилишига 1 (бир) соат қолгунга қадар Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хонада қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар эса Низом ва гувоҳнома ҳамда таъсис ҳужжатлари нусхалари, агар ваколатли шахс қатнашган тақдирда, белгиланган тартибда ишончнома тақдим қилишлари талаб этилади.

Манзил: Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хона. Мўлжал: Андижон вилояти, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси биносининг, 1-қавати.

**Қўшимча маълумот учун манзил ва телефон:**
**«ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хона.**
**Тел: (+99891) 606-88-81, (+99890) 269-88-81.**
*Хизматлар лицензияланган. Гувоҳнома № 00126*

# Япония «кўз ёшларга» ишонмайди

## ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИНИНГ ФАЛАЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪСИРИ ОҚИБАТИДА КУНЧИҚАР ЮРТНИНГ ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИ 1 КВАДРИЛЛИОН ИЕНАГА, ЯЪНИ 10,9 ТРИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИГА ЕТДИ

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Яқин тарихда ўз мўъжизасини дунёга кўз-кўз қила олган мамлакатнинг 2012 йили 997 триллион иена (10,7 триллион АҚШ доллари) миқдоридаги қарзга ботгани тўғрисидаги маълумотлар 127 миллионлик аҳоли жон бошига 7,8 миллион иена (84 минг АҚШ доллари)дан қарз тўғри келганини кўрсатади. 2012 йилнинг сўнгги чорагида ташқи қарзлар миқдори 13 триллион иенага кўпайгани эса кунчиқар юрт аҳолисининг иқтисодий тушкунлик кайфиятини баттар кучайтирмоқда. Шу боис ҳам мамлакат ҳукумати давлат бюджетини мустаҳкамлаш, даромад ва харажатларга нисбатан қатъий чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

Бу ерда гап фақат давлат қарзлари ҳақида кетмаяти, албатта. Бунинг оқибатида ишсизлик, айниқса, ёшлар ўртасида ишсизликнинг кескин ортиб бораётгани муаммонинг энг оғриқли нуқтаси сифатида баҳоланаяпти. Ҳолбуки, 2009 йилда Япония ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқиб олган эди. Ўшанда йиллик ЯИМ ҳажми беш триллион долларни ташкил этган. Юксак даражадаги ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур мамлакатда транспорт воситалари, электроника, замонавий дастгоҳлар, пўлат, кимёвий воситалар, ип-газлама ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар узлуксиз ишлаб турган бир пайтда ишсиз ёшлар сафининг кенгайиб бораётганини изоҳлаш қийин.

Маълумки, японларнинг дунё бўйича энг кўп мояна олишлари янгилик эмас. Шу боис аксар одамлар умр бўйи ўз иш жойларини алмаштирмайдилар. Аммо бугунга келиб иқтисодий жиҳатдан анча бақувват бўлган «Toyota», «Nintendo», «NTT DoCoMo», «Canon», «Honda», «Takeda Pharmaceutical», «Sony», «Nippon Steel», «Терсо» ва «Mitsubishi» каби корхоналарда ҳам ишсизлик даражаси ортиб бораётир. Чунончи, ўтган йили машҳур «SONY» корпорацияси 10 минг нафар ходимини бўшатган эди. Гарчи бунга Япония ва Таиланддаги табиий офатлар туфайли компаниянинг кўплаб заводлари тўхтаб қолгани ва уларни қайта ишга тушириш учун сарфланган харажатлар сабаб қилиб кўрсатилган бўлса-да, унинг маҳсулотларига бўлган талаб жаҳон бозорида кескин пасайиб кетганини тан олиш керак.

Шундай бир вазиятда япониялик айрим сармоядорлар мамлакат ташқарисидан шерик изламоқдалар. Ўтказилган сўровлар ҳам ишбилармонларнинг 87 фоизи шундай йўл тутаётганидан дарак бераяпти. Шу ўринда бизнес вакиллари кўпроқ АҚШ, Германия, Франция, Австралия ва канадалик ишбилармонлар таклифига хайрихоҳлик билдираётганларини айтиш мумкин. Аммо баъзи маълумотларда япониялик сармоядорларнинг чет эл активларини харид қилаётганлари айтилмоқда. Мана, масалан, яқинда Европа молиявий барқарорлик жамғармаси EFSF 8 млрд. евролик облигацияларни сотган. Энг қизиғи, харид қилинган қимматли қоғозларнинг 29 фоизи Осиё сармоядорлари ҳиссасига тўғри келган. Мутахассисларнинг фикрича, бу жараёнда иштирок этган бизнесменларнинг аксарияти айнан японияликлар бўлган. «Baring Asset Management» компанияси раҳбари Манабу Тамару вазиятга баҳо берар экан «... ҳозирда Япониянинг қимматли қоғозлари давлат банкидан бўлак ҳеч кимга керак эмас. Бу қоғозларнинг даромади кам, таваккалчилик даражаси эса юқори», дея фикр билдирган.

«Йиқилмоқ — айб эмас, йиқилиб қолмоқ — айб», дейдилар. Ана шундан келиб чиқиб, Япония ҳукумати вазиятдан чиқишнинг самарали йўлларини ҳаётга татбиқ этмоқда. Хусусан, бош вазир Синдзо Абенинг пул-кредит, солиқ-бюджет соҳасидаги тизимли сиёсати иқтисодчи олимлар томонидан маъқулланмоқда. Сабаби, ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошланган ана шуислоҳот туфайли Япония фонд бозори кўрсаткичлари 40 фоиз ўсди. Шунга мувофиқ равишда экспорт ҳам сезиларли даражада ошган. Бу бир жиҳатдан истеъмолчи ва йирик сармоядорларнинг япон бозорига ишончи ортгани билан изоҳланаётган бўлса, бошқа томондан муомаладаги нақд пулнинг ортиши иена қадрини, шунинг баробарида экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар қийматини бироз тушириб, рақобатбардошликни оширмоқда.

Мамлакатда кечаётган иқтисодий жараёнларда банк тизими вазиятни ўз қаричи билан ўлчаб, ундан чиқиб кетиш учун дадил ғояларни илгари сураётганини ҳам таҳлилчилар алоҳида эътироф этаяптилар. Хусусан, Япония Марказий банки раиси Харухико Курода парламентдаги чиқишларида мамлакат жуда катта солиқ юкига юзма-юз келаётганини таъкидлаган. Унинг фикрича, қарз ботқоғидан чиқишнинг бирдан-бир йўли савдо солиғи кўламини оширишдир. Агар вазият шундай тус олиб, ҳукумат солиқ юкини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўра бошласа, Марказий банк ўз тасарруфидаги давлат қарзлари билан боғлиқ харажатларни икки баробарга кўпайтиришини маълум қилган. Аммо ҳукумат ҳозирча бу борада жиддий қарорлар қабул қилишга шошилмаяпти. Шу боис ҳам мамлакат бош банки бюджет харажатларини молиялаш билан овора бўлиб қолмоқда.

> **ЯПОНЛАР ДУНЁ БЎЙИЧА ЭНГ КЎП МОЯНА ОЛИШАДИ. ШУ БОИС УЛАР УМР БЎЙИ ЎЗ ИШ ЖОЙЛАРИНИ АЛМАШТИРМАЙДИЛАР. АММО БУГУНГА КЕЛИБ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН АНЧА БАҚУВВАТ БЎЛГАН «TOYOTA», «NINTENDO», «NTT DOCOMO», «CANON», «HONDA», «TAKEDA PHARMACEUTICAL», «SONY», «NIPPON STEEL», «TEPCO» ВА «MITSUBISHI» КАБИ КОРХОНАЛАРДА ҲАМ ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ ОРТИБ БОРАЁТИР.**

Тўғри, бюджет кирим ва чиқимлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этмасдан туриб, жиддий таваккалчиликларга қўл уриб бўлмайди.

«Аммо сотувларга солинадиган солиқ бу борадаги дастлабки истиқболли қадамлардан бўлиши мумкин», — дея таъкидлади Курода Япония парламенти қуйи палатасининг Бюджет қўмитаси мажлисида. Худди шу йиғилишда Бош вазир Синдзо Абэ ҳукумат сотувларга солинадиган 5 фоизлик солиқни 8 фоизгача ошириш режалаштирилаётганини айтиб, Куроданинг умидлари пучга чиқмаслигини тасдиқлашга ҳаракат қилган.




Ана шундай бир пайтда япон молиячилари миллий валюта базасини кенгайтиришга қаратилган пул-кредит сиёсатини кескин равишда кўриб чиққанлиги жаҳон молия бозорини ҳам ларзага солди, дейиш мумкин. Унга кўра, Марказий банк ойига 7,5 триллион иена қийматидаги узоқ муддатли давлат облигацияларини сотиб олади. Бу харидларга янгидан муомалага киритилган давлат қарз мажбуриятларининг қарийб 70 фоизи тўғри келади. Moody's халқаро рейтинг агентлиги мутахассислари ушбу сиёсат мамлакат иқтисодиётининг олдингидек барқарор оёққа туриши ва олға силжишида катта аҳамият касб этишини таъкидлашаётир. Бу тизим, шунингдек, рекорд даражада пасайиб кетаётган ўртача ойлик маош, умуман, меҳнатга тўланадиган ҳақ миқдорини кўтаришда ҳам қўл келиши мумкин.

Айни пайтда ҳукумат узоқ ва қисқа муддатли давлат облигацияларини сотиб олиш учун 150 триллион иена ажратишни мўлжаллаб турибди. Ушбу маблағ икки йил мобайнида иқтисодиётга киритилади. Илк қадам сифатида Япония Марказий банки апрель ойида кўпроқ вақт муомалада бўлиши мўлжалланган узоқ муддатли давлат облигацияларини сотиб олиш учун 1 триллион иенадан ортиқ маблағ сарфлаганини таъкидлаш мумкин.

Таҳлилчилар бундай агрессив пул сиёсати юритиш сармояларнинг четга чиқиб кетиши ва пулнинг қадрсизланишини жиловлай олмай қолиш хавфини юзага келтиришини айтмоқдалар. Яъни, иена қадрининг тушиши оқибатида япон сармоядорлари маблағларини чет эл валюталарида сақлаш тараддудига тушиб қолишлари мумкин. Аммо Харухико Курода бунга жавобан мазкур ислоҳот қимматбаҳо қоғозлар бозорида рўй бериши мумкин бўлган тангликнинг олдини олиб, нархлар барқарорлигини таъминлашига ишонтирмоқда. Шу боис ҳам дунё молия бозорида япон иқтисодининг оёққа туриб кетишига бўлган ишонч яна куртак ота бошлади. Бу, айниқса, мамлакатнинг чет эллик ҳамкорлари учун жуда муҳим. Сабаби Японияда бир қатор гигант компаниялар мавжуд. Уларнинг барқарор ишлашидан эса, энг аввало, хорижий инвесторлар ҳамиша манфаатдор.

Маълумки, Осиё-Тинч океани минтақаси Япония учун энг муҳим иқтисодий манфаатлар тўқнашган ҳудуд саналади. Буни Япониянинг минтақа мамлакатлари билан иқтисодий ва савдо алоқалари кўлами бундан бир неча йиллар аввал умумий савдо ҳажмининг қарийб етмиш беш фоизига тўғри келганида ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда дунёнинг турли минтақаларида яшовчи япон миллатига мансуб аҳоли салкам 900 минг кишини ташкил этса, шундан 570 мингга яқини, яъни 64,8 фоизи айнан Осиё-Тинч океани ҳудудида истиқомат қилишини алоҳида қайд этиш керак. Таҳлилчиларнинг фикрича, Япония иқтисодий кўрсаткичларни янада яхшилаш учун ушбу минтақа давлатлари билан иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни кучайтириши лозим. Хусусан, Осиё-Тинч океани минтақасида эркин иқтисодий ҳудуд яратиш ва шу орқали бутун дунёда маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш ҳам стратегик аҳамиятга молик жараёндир.

Албатта, бир қарашда ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича АҚШ ва Хитойдан кейин 3-ўринда турувчи Япониянинг бу даражада катта қарз ботқоғига ботишига ишониш қийин. Ҳатто сўнгги пайтлардаги жиддий табиий талафотларга қарамай, мамлакат йирик иқтисодий кўрсаткичларни сақлаб қолишга уринаяпти. Шу маънода ташқи қарз бир кунда эмас, балки йиллар давомида йиғилиб борадиган жараён эканини ҳисобга олсак, мамлакат молия тизимининг шу аҳволга тушишида табиий офатларнинг ҳам ҳиссаси беқиёс эканини таъкидламаслик мумкин эмас. Масалан, 2011 йилда юз берган Фукусима фожиасини олайлик. Ўшанда Жаҳон банки мамлакат иқтисодиётини қайта тиклашга камида 235 миллиард АҚШ доллари зарурлигини маълум қилган эди. Ҳақиқатан ҳам, улкан табиий офат кунчиқар юрт қаддини бирмунча эгиб қўйганини фаҳмлаш мушкул эмас. Шу боис мамлакат иқтисодиёти ташқи инвестицияга муҳтож бўлиб қолган.

Хуллас, Японияда вужудга келган мураккаб вазиятнинг қачон барҳам топиши ва давлатнинг қарз гирдобидан қай йўл билан чиқишини ҳеч ким аниқ айта олмаяпти. Фақат шу нарса маълумки, ҳар бир япониялик ана шу йўлда қўлдан келган барча имкониятларини ишга солмоқда.


## Ижтимоий реклама

### «ЭЪТИРОФ — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда матбуот ва интернет нашрларда жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар кўламини ошириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, уларнинг жаҳон стандартларига мос ривожланиши, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардош бўлиши, нуфузи ошишига кўмаклашиш, журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, нашрлар ўртасида профессионал алоқаларни йўлга қўйиш, тажриба алмашишга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли муаллифларни рағбатлантириш мақсадида газета, журналлар, интернет агентликлари ва нашрлари ўртасида «Эътироф» танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмагида ўтказилади.

**Танлов номинациялари:**

— энг яхши ижтимоий-сиёсий нашр;
— энг яхши иқтисодий нашр;
— энг яхши спорт нашри;
— энг яхши болалар нашри;
— газета-журналнинг энг яхши дизайни учун;
— энг яхши интернет-агентлиги ва нашри.

**Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари**

Ғолиблар 2012 йилнинг 1 сентябридан 2013 йилнинг 1 сентябригача олиб борилган фаолият натижаларига кўра аниқланади. Ғолиблар қуйидаги мезонлар бўйича аниқланади:

— нашрнинг ўз йўналиши бўйича оммавийлиги;
— материалларнинг ранг-баранглиги ва долзарблиги;
— бадиий-эстетик безатилиши.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари ва тегишли идоралар вакилларидан иборат ҳайъат томонидан баҳоланади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган таҳририятлар фонд дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.

**Ғолибларни тақдирлаш**

Танлов ғолиблари «Ўзбекистон Матбуоти» III Миллий форумида эълон қилинади.

**Танловда қатнашиш учун аризалар 2013 йил 5 сентябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100129, Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Мурожаат учун телефонлар: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmfuz@inbox.uz, info@mmf.uz.**

*Ташкилий қўмита.*


## Воқеалар, далиллар, шарҳлар

### НОГИРОНЛАР ВА КЕКСАЛАРГА АМНИСТИЯ БЕРИЛАДИМИ?



Россиянинг «Единая Россия» партияси депутатлари мамлакатда кенг кўламли амнистия чора-тадбирларини ўтказиш таклифи билан чиқдилар. Уларнинг фикрича, бу Конституция қабул қилинганининг йигирма йиллиги муносабати билан амалга оширилиши мумкин. Маълумотларга кўра, айни кунда Россия қамоқхоналарида амнистия қўлланиши мумкин бўлганлар, яъни вояга етмаганлар, ёш болали аёллар ҳамда кексалар кўпчиликни ташкил этмоқда.
Таъкидлаб ўтиш лозим: шу йилнинг 24 май куни Россия президенти Владимир Путин иқтисодий жиноятлар амнистиясини кўзда тутган лойиҳани рад этиб, у қайта ишланиши кераклиги учун қайтарган эди.
Эслатиб ўтамиз: Россия Федерациясида сўнгги амнистия 2010 йилда, Иккинчи жаҳон уруши якунланганининг 65 йиллигига бағишлаб ўтказилган ва унга мувофиқ қамоқдаги уруш фахрийларининг аксарияти озод этилган эди.

### МУАММОНИНГ ЕЧИМИ — 1 МИЛЛИОН



Буюк Британия ҳукумати инсоният олдида турган энг йирик глобал муаммонинг илмий ечимини топган шахсга 1 миллион фунт стерлинг ажратадиган бўлди. The Daily Telegraph агентлигининг маълум қилишича, мамлакат бош вазири Дэвид Кэмерон бунинг учун махсус қўмита тузиб, унга қироллик бош астрономи Мартин Жон Рисни раҳбар этиб тайинлаган.
— Муаммолар ечими сифатида тақдим этилган лойиҳаларнинг қайси бири муҳимроқ эканини оддий одамлар ҳал этиши лозим, — дейди бош вазир. — Маълумки, айни пайтда инсоният олдида жуда кўп муаммолар кўндаланг бўлиб турибди. Қисқаси, танловда қандли диабетга қарши дори воситаси ёки Атлантика океанини углеродли ёнилғисиз кесиб ўтишни ўйлаб топган ёхуд салоҳияти, айтайлик, пенициллиннинг ажратиб олинишидан қолишмайдиган кашфиётлар соҳиби ғолиб бўлиши мумкин.

### «МУҚОБИЛ» ПАРЛАМЕНТ



Латвияда бир умр давлат ҳудудида яшаган, лекин собиқ иттифоқ тарқалганидан сўнг, мамлакат фуқаролигини қўлга кирита олмаган аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган ўзига хос парламент фаолият юритадиган бўлди.
Эътиборлиси, «муқобил» парламентнинг тузилиши учун Латвиянинг 11 шаҳри ва интернет тармоғида ўтказилган сайловларда 15 мингдан зиёд киши иштирок этган. Таъкидлаш жоиз: ўтган йиллар давомида БМТ, шунингдек, бир қатор халқаро ташкилотлар Латвия ҳукуматига мурожаат қилиб, мамлакат ҳудудида яшайдиган, лекин фуқаролиги бўлмаган аҳоли (тахминан 320 минг нафар) ҳуқуқлари поймол этилаётганига жиддий эътибор қаратишни сўраган. Зеро, Латвия қонунларига мувофиқ, уларнинг сайловларда иштирок этиши, давлат лавозимлари, шунингдек, ФҲДЁ, полиция ва ҳатто католик черковларида фаолият юритиши мумкин эмас. Маълум бўлишича, янги орган айнан ана шу ҳолатларга чек қўйиш, энг муҳими, бу борада қонуний асосда иш олиб бориш мақсадида ташкил этилган.

### СЕНАТОРГА — 7 ЙИЛ



Аргентинанинг собиқ президенти 82 ёшли Карлос Менем ноқонуний қурол савдоси билан шуғуллангани учун 7 йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилди. Айни пайтда собиқ давлат раҳбари Ла Риоха маъмурий ҳудудидан сенаторлик лавозимини эгаллаб тургани учун, мазкур ҳукм ундан депутатлик дахлсизлиги олиб ташланганидан сўнг кучга киради. Маълум бўлишича, Карлос Менем Эквадор ва Хорватияга халқаро эмбарго эълон қилинган пайтда, яъни 1991-1995 йилларда 6,5 минг тонна қурол-аслаҳа сотганликда айбланмоқда. Шу ўринда мамлакат суди Менемдан ташқари, унинг бошқаруви пайтида Аргентина мудофаа вазири лавозимида фаолият юритган Оскар Камильонни ҳам айбдор, деб топиб, собиқ қўмондонни 5,5 йиллик қамоқ билан жазолаш бўйича қарор чиқарганини айтиб ўтиш жоиз.

*Гулноза МУҲИДДИНОВА тайёрлади.*

# Кеч «уйғониш» оқибати

МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ МУРАББИЙЛИГИДАГИ МИЛЛИЙ ЖАМОАМИЗ «БРАЗИЛИЯ-2014» САРАЛАШ БОСҚИЧИ ГУРУҲ БАҲСЛАРИНИНГ СЎНГГИ ТУРИДА ҚАТАР ТЕРМАСИНИ ЙИРИК — 5:1 ҲИСОБИДА ЕНГГАН БЎЛСА-ДА, ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ЧИҚИШ ИМКОНИЯТИНИ БОЙ БЕРДИ

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»



Боиси ана шу ўйин билан параллель равишда ўтказилган Жанубий Корея-Эрон учрашувида ўз майдонларида тўп сурган корейслар кутилмаганда 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраб, форсларнинг гуруҳда биринчи ўринни эгаллашларига замин яратиб бердилар. Ўзлари эса тўплар нисбати кўрсаткичи бўйичагина ҳамюртларимизни ортда қолдирган ҳолда иккинчи поғонани банд этдилар.

Таъкидлаш жоиз: «Бунёдкор» стадионида ўтказилган учрашувнинг биринчи бўлимида Қатар дарвозасига йўл топа олмаган, аксинча, ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлган футболчиларимиз эртароқ «уйғониб», мазкур ўйинни 6:0 ёки 7:1 ҳисобида якунлаганларида, кореяликлар гуруҳ жадвалида учинчи ўринга тушиб, йўлланмадан қуруқ қолишлари мумкин эди. Аммо терма жамоамиз вакилларига охироқибат кореялик рақибларини ана шу тарзда «жазолаш»лари учун озгина вақт етмади, десак адашмаймиз.

Ўз навбатида, анчадан буён захирада ушлаб турилган, Қатарга қарши ўйинда эса майдонга туширилиши билан рақиб дарвозасини ишғол қилишга эришган истеъдодли футболчиларимиз — Баҳодир Насимов ва Олег Зотеев шу куни терма жамоамизнинг асосий таркибидан ўрин олишга ҳақли эканликларини исботлаганларини айтиб ўтиш лозим. Шундан тегишли хулоса чиқарган мураббийларимиз энди таркибни тубдан янгилаш, терма жамоага кўпроқ ёшларни жалб қилиш устида бош қотирсалар, ажабмас.

Зеро, «ЖЧ-2014»га тўғридан-тўғри чиқиш имкониятидан фойдалана олмаган терма жамоамиз энди мусобақа йўлланмасини плей-офф босқичи орқали қўлга киритишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун Миржалол Қосимов шогирдлари аввал «В» гуруҳида учинчи ўринни эгаллаган иорданияликларни, кейин эса Жанубий Америка минтақасининг саралаш босқичида 5-натижани қайд этган жамоа, яъни Уругвай, Венесуэла ёки Перу футболчиларини мағлуб этишлари лозим. Осиё минтақасидаги плей-офф ўйинлари 6-10 сентябрь кунлари ўтказилса, океанорти вакилларига қарши беллашувлар 15-19 ноябрда ташкил этилади. Нима бўлганда ҳам, чарм тўп усталаримизга оғир кечиши кутилаётган ана шу курашларда омад тилаб қоламиз.

## Савол беринг, жавоб берамиз!

**Мебель олиш учун савдо дўконига борсам, сотувчи 5 фоиз чегирма борлигини маълум қилди. Пластик карточка орқали тўлаганларга эса бундай имтиёз йўқ экан. Демак, устама ҳақ олинар эканда?**

***Давронбек Аброров, Тошкент шаҳри.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1325-сонли қарорига мувофиқ турғун савдо шохобчалари, шу жумладан, дорихоналар (эгалланган майдон ҳажмидан қатъий назар) чакана савдо корхоналари ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши белгилаб қўйилган. Аҳоли билан ҳисоб-китобларни амалга оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларининг қонунчиликка биноан банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш талабларига сўзсиз риоя қилиниши белгиланган. Шунга асосан нархлар ва мумкин бўлган чегирмалар нақд пул ёки пластик карточка тўлови туридан қатъий назар, бир хил миқдорда бўлади.

*Исматулла Яманкулов, ҳуқуқшунос.*




Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, **20-27** июнь кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво бироз булутли бўлиб, баъзи жойларда ўзгариб турсада, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан **7-12** м/с тезликда эсади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси **20-25**, кундузи **36-41** даража иссиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам шундай об-ҳаво кузатилади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси **21-26**, кундузи **38-43** даража иссиқ бўлади. Республикамизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида шамол шарқдан **5-10** м/с тезликда эсади. Термометр кўрсаткичлари кечаси **18-23**, кундузи **35-40** даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда об-ҳаво бироз булутли бўлса-да, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси **18-23**, кундузи эса **35-40** даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат кечаси **10-15** даража илиқ, кундузи **23-28** даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

## Хабарлар



### КЎК КИТГА ОЛМА БЕРМАНГ. ЧУНКИ...

Сайёрамиздаги энг йирик жонивор — айрим манбаларда блювал, деб номланадиган кўк кит ўртача ҳажмдаги олмадан каттароқ егуликларни ямлаб юта олмаслигини биласизми? Маълумотларга кўра, асосан планктон, яъни майда (5-6 см.) қисқичбақасимон жониворлар билан озиқланадиган денгиз жониворининг томоғи кичкина ликопча диаметрига тенг экан. Шундай бўлса-да, китнинг бошқа аъзолари «ҳавас қилса арзийдиган» даражада катта эканини айтиш жоиз. Хусусан, узунлиги 30-32 метрни (тахминан 3 та сайёҳлик автобусининг узунлиги) ташкил этадиган, оғирлиги эса 150 тоннадан (2700 нафар одамнинг умумий вазни) ошадиган блювалнинг тили бутун бошли фил вазнидан оғирроқ. Юраги оилавий автомобиль билан баробар бўлган кўк китнинг ошқозонига бир тоннадан ортиқ озуқа сиғиши мумкин.




### 1 ТОННА ҚАЕРДА ҚАНЧА ТОШ БОСАДИ?

Оғирлик ўлчови бирлиги бўлмиш тонна француз тилидаги «tonne», лотин тилидаги «tunna», яъни бочка сўзларидан олинган бўлиб, у дунёнинг турли мамлакатларида турлича тош босади. Масалан, Америкада 1 тонна 907,184 килограмм бўлса, Англияда 1 тонна 1016,05 килограммни ташкил этади. Ўзбекистонда эса 1 тонна роппа-роса минг килограммни ташкил этади.

**З.МЎМИНОВ тайёрлади.**

## Реклама







Реклама




Хизматлар лицензияланган.




## «XXI ASR» МУШТАРИЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ҳурматли газетхонлар, тадбиркор ва ишбилармон юртдошлар!**

Агар Сиз ўзингизни қизиқтираётган саволларга тез ва аниқ жавоб олиш, фаолиятингизга халақит бераётган масалаларга ойдинлик киритишда малакали мутахассислар маълумотларига эга бўлишни хоҳласангиз, таҳририятга мурожаат қилинг.

Сизнинг ҳеч бир мурожаатингиз эътиборсиз қолмайди.

**Хат ва хабарларингизни қуйидаги манзилларга жўнатишингиз мумкин:**
**Почта манзили: 100051, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 73-А» уй.**
**e-mail: XXIasr@uMail.uz.**
**Мурожаат учун телефон рақамлари: 255-64-80, 215-63-80 (факс).**

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Носир ТОШЕВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган

Буюртма рақами: J 7411. Тираж: 22324
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: О.РАЖАБОВ, А.МУЗАФФАРОВ.